



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 14-sentabr №39 (4489)

Миръжизавий санъат қудрати



MAQOM ART
INTERNATIONAL FORUM
SHAHRISABZ - 2018
WWW.MAQOMART.ORG.UZ



Мумтоз ашула байрами Оқсаройдан ташқари Қашқадарё вилоятининг Китоб, Чирокчи, Шахрисабз, Яқкабоғ туманларида ҳам кўтаринки кайфиятда давом этди. Бу туманларда чет эллик санъаткорлар иштирокида ташкил этилган концерт дастурлари том маънода дўстлик тадбирлари айланган.

кетди. Санъат мухлислари ва ижрочилар ўртасида самимий ришталар боғланишига хизмат қилган бу концертлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Анжуман доирасида бўлиб ўтган "Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни"

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳам мақом санъати билан боғлиқ назарий муаммоларни атрофлича муҳокама қилишда, бу борада ўзаро ҳамкорликни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этиши тайин.

Учинчи сентябрь кун Шохрисабзнинг Оқсаройдаги амфитеатрида биринчи Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Анжуманининг бош саврини — Гран-при Тожикистоннинг "Мақом академияси"га насиб этди.

Озарбайжоннинг "Хайрати" жамоаси солисти Нигор Шабанова ва Ўзбекистоннинг "Сақил" ансамбли биринчи ўринга сазовор бўлди.

Эроннинг "Настар" ансамбли ва Хиндистондан Устад Иқбол Аҳмад Хон иккинчи, Туниснинг "Al Ghardi Twins", Япониянинг "SPCP Japan" жамоалари ҳамда Туркменистон вакили Сухонберди Оразбердиев учинчи ўринга муносиб топилдилар.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Нуфузли форумлар якуни ҳамиша ҳаяжонли, беҳад қувончли бўлади. Олқишлар ва қарсақлар остида ҳис-ҳаяжонини зўрға босиб олган тожикистонлик санъаткорлар, фахр ва қувончга тўла овоз билан мухбирларга таассуротларини сўзлаб беришди.

— Биз ҳозир жуда ҳам хурсандмиз, айти пайтда қаттиқ ҳаяжондамиз, — деди ансамбль солисти **Жамшид ЭРГАШЕВ**. — Аввало, буюк мақом санъати бағишланган халқаро фестивални ўтказиш ташаббускори бўлган ва уни қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирамиз. Менинча, бунга бошқа давлатлар санъаткорлари ҳам қўшилишса керак. Ўзининг қўламини жиҳатидан ниҳоятда кенг миқёс касб этган бу байрам мақом ва унинг қимматини, бугун ва келажак учун зарур бўлган бекиёс аҳамиятини, шу санъатни ўзида сақлаб, авайлаб келаётган халқ маънавиятини нақадар бой эканини дунё халқлари олдида баралла намойиш этди.

Тўғри, биз совринли ўринлардан бирини қўлга кириштириш ора қилгандик. Лекин бундай юқори савиядаги анжуманда юксак мукофотга сазовор бўлишимизни кутмагандик. Гран-при учун форум ташкилотчиларидан, ҳайрат аъзоларидан, бизни қўллаб-қувватлаб турган томошабинлардан миннатдоримиз. Шубҳасиз, бундай ютуқда устозимиз Абдували Абдурашидов раҳбарлиги остида жиддий тайёргарлик қўриб, намойиш этган дастури-миз катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур фестивалнинг қадимий Шахрисабзда ўтгани, айнан шу ерда мумтоз мусиқанинг имкониятлари кенг намойиш бўлиб, янги овозлар кашф этилгани ҳам қувонарлидир.

► 5

БЕЛАРУСЬ ДИЁРИНИНГ СЕВИНЧ ВА СОҒИНЧЛАРИ



Ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган ғоят мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадиий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Бу соғинчлар мактаб парчасидан, аниқроғи, биз ўқувчилар учун ҳақиқий байрам соатларига айланган адабиёт дарсларидан бошланган эди. Акам Самарқанд университетида ўқишга киришмай, ҳарбий хизматга жўнагандан бери бор-йўғи биттагина хат ёзган, "Ҳозир карантиндамиз, хавотир олмаглар, ўзим хабарини бераман", деганича тўрт-беш ойдан буюн — дам-дуд, на хати, на хабари бор.

Онам бўлса "Шу гўдаккинамми олис мусофир юртларга ҳайдадимми, Гирмон-пирмонга тушдимми, Вингирга олиб кетдимми ё, мужбит бирон жойи оғриб қолгандир, бориб войи-каматдан дарагини сўрамайсизми?" дея ҳар кун тонг саҳардан отамни тергагани-тергаган, мактабда эса ўзбек адабиётининг Улуғ Ватан уруши даври бошланган, адабиёт муаллимимиз "Кечкурун ош сузасак бир насиба кам, Кўмсайман бировни аллакимимми. Доимо умидим бардам бўлса ҳам, Баъзан вавасалар босар дилимни" дея "Соғиниш", "Сен етим

эмассан", "Қўлингга қурол ол!" сингари шеърлардан жўшиб-тошиб парчалар ўқиш баробарида, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Эди Огнецвет, Янка Купала, Якуб Колас, Зулфия, Константин Симонов, Светлана Сомова сингари шоирларнинг ижо-

— почтой" орқали буюртма бериб олган китобим устоз адибимиз Одил Ёкубовнинг "Эр бошига иш тушса" номли қиссасидан топиб ёдлаб олганимдан ўзимда йўқ шод эдим. Шоирларнинг шеърлари, оналар қалбию болаларнинг кўнгли билан ғайб ола-

Адабий дўстлик — абадий дўстлик

дию таржимаи ҳолидан қисқа-қисқа айтиб ўтаркан, уруш сабабли эвакуация қилиниб, Тошкентда яшаган қардош адибларнинг матонати хусусида жонли ҳаётини мисоллар орқали ҳикоя қилиб берганида, биз ўқувчиларнинг бадалларимиз жимирилаб кетарди.

Мени кутти ва мен қайтарман, Ўлимларни қолдириб доғда. Иппи ўнгдан кепти десилар, Кутмаганлар бизни у чоғда.

Бу шеър кейин бир умр менинг эсимдан чиқмайди. Унинг тўлиқ таржимасини ўзим Тошкентдан "Книга

ми ўртасида бир боғлиқлик бор эканда, буни қарангки, эртаси кун адабиёт ўқитувчимиз Якуб Колас билан Ҳамид Олимжон дўстлиги ва ижодий ҳамкорлиги мавзусидаги дарсини тўлиқ ўтиб бўлгандан кейин, уйга борсам, онамлар хурсанд, отамнинг димоғи чоғ — Саиджафар почталёон билан гангур-гунгир гурун қилиб ўтиришган экан. Сингилларим даров мендан суюнчи олади: Акамдан худди Беларусининг Белозёрск деган шаҳридан хат келибди. Яхши экан, карантини тугаб, соғ-саломат хизматларни бошлаб юборибди...

► 2



Хиндистонда Шожмаҳаллар кўн...

Хиндистон... Аввалига болалигимда кўрган ҳинд кинолари таъсирида, кейинроқ Мирзо Бобур ҳазратлари шахсияти, ижодиётига нисбатан қалбимда пайдо бўлган бекиёс эҳтиром сабаб, бу қадим юртни, лоақал бир марта бўлсин, зиёрат қилиб келиш орзусида юрардим. Ниятим ҳолис эканми, ҳеч кутмаган еримда, бунинг имконияти пайдо бўлди. Боз устига шунчаки сайру саёҳат эмас, балки шарафли бир хизмат билан — Мирзо Бобур ва бобурийлар ҳамда бошқа буюк ватандошларимизга оид Хиндистон кутубхоналари, архив ва музейларида сақланаётган қўлёзмалар, турли бадиий, илмий, тарихий ҳужжатларни излаб топиш, ўрганиш, улардан нусхалар қўчириб келишни мақсад қилган ижодий гуруҳ авзоси сифатида бу сеҳрли ўлкага борадиган бўлдим.

2018 йилнинг 11 августи. Шу кун бизнинг Хиндистон сафаримиз бошланди. Ҳамроҳларимни билмадим, аммо бу сана ҳеч қачон менинг ёдимдан чиқмайди. Чунки мен кўп йиллик орзумга етган, қадим ва сеҳрли бир ўлка тупроғига ilk бор қадам қўйгандим. Бобур халқаро фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, фидойи инсон Зокиржон Машрабов бошчилигидаги Ваҳоб Раҳмонов, Абдура-сул Жумақулов, Аҳроржон Машра-бовдан иборат гуруҳимиз даставвал ҳазрат бобола-римиз хоки-туроби ётган табаррук манзилларни зиёрат қилдик, дуою хайрлар қилинди ҳамда улар бунёд этган тарихий-меъморий обидаларни бориб кўрдик.

Зокиржон ака бундай сафарларнинг ҳадисини олган одам. У киши Бобур ва бобурийлар меросини, тарихи-ни ўрганиш истагида дунёнинг қўллаб-мамакатларига

илмий-ижодий сафарлар ташкил этган. Шубҳасиз, катта натижаларга эришган. Халқимизнинг улуғ адиблари бу илмий-ижодий сафарлардан руҳланиб, асарлар ёзишди. Олимларимиз қўллаб-тадқиқотлар олиб бориб, янги-янги изланишлар натижаларини тақдим этишди. Дунёнинг турли нукталаридаги бобурийлар олимлар

бир-бирини яқиндан танийдиган, бир-бири билан ҳамкорлик қиладиган бўлди. Шукрлар бўлсинки, Андижондаги "Боги Бобур" бугун гул-гул яшнаб ту-рибди. Ана шу чоғда Бобур Мирзонинг рамзий қабри ва ҳайкали, "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи барпо этилган. Бобур ҳаёти ва меросини ўрганишга бағиш-ланган халқаро илмий экспедиция томонидан олиб келинган ноёб қўлёзмалар, китоблар ва тарихий ашёлар ўрин олган музей Ўзбекистондаги диққатга сазовор мас-канлардан бирига айланиб улгурди. "Бобур ва дунё"



журнали фаолият юритишни бош-лади. Бундай натижалар ҳақида яна қанча сўз юритсак бўлади. На-тижалар эса сафарга аъло дара-жада тайёргарлик билан бўлади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Зокир-жон ака Машрабовнинг кўрсатма-лари асосида ҳаммасини шу ер-нинг ўзида режалаштирдик. Шу ердан туриб Хиндистондаги кутуб-хона, музей, архивлар хазинала-рини имкон қадар ўргандик. Ва бу-лар ҳақида Ўзбекистон Республи-касининг Хиндистондаги фав-қулда ва мухтор элчиси Фарход Арзиевга хабар бердик. Элчи ва унинг ходимлари ҳам биз учун кўп маълумотлар тўплаб қўйгани, Хин-

дистонга келгач, биргаликда қатъий режа асосида иш тутиш зарурлигини айтишди.

Дастлаб Ҳумоюн Мирзо макбарасини, кейин Хус-рав Дехлавий, Мирза Ғолиб, Мирзо Абдулқодир Бе-дил қабрларини зиёрат қилдик. Руҳиятимда ажиб бир энгиллик ҳис этиб, дилим ёришгандан ёришиб бо-рарди. Дунёнинг турли нукталаридан келган сайёҳ-лар Ҳумоюн саройи, Лаълқалъа, Тожмаҳал каби та-рихий обидаларни махлиё бўлиб, ҳайрат билан то-моша қилишадиганини кузатарканман, ич-ичимдан фахрланаман. Айни чоғда дилимнинг қай бир нукта-ларида маҳзун, армонли бир туйғулар уйғонаётгани-ни ҳам пайкайман: тарих гилдираги хил бошқача ай-ланганида, эҳтимол, Бобурийлар сулоласи барпо эт-ган улуғ масканлар — бугунги кунда бизнинг юрти-мизда — Андижонда, Самарқандда, Шахрисаб-дами кўр тўкиб турган бўлармиди?!
► 6

Сафарнома

БЕЛАРУСЬ ДИЁРИНИНГ СЕВИНЧ ВА СОҒИНЧЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Отам беларусларни яхши кўрарди. Мард халқ, танти халқ, дерди. Брест деса, Минск деса чукўр ботган мунгли кўзларида дарров ғилт-ғилт ёш айланарди:

– Уйгинаси куйсин падарлаънат Гитлерни! Урушда энг кўп қирилган халқ ҳам беларус халқи бўлади, энг кўп жабру жафо кўрганам, илма-тешик бўлганам беларусь тупроғи бўлади...

Тарих XX аср, сана 1973 йилнинг эрта баҳори, биз тўққизинчи синфда ўқиб юрган кезларимиз – қийғос гуллаган олча тагидаги тупроқ супамизда отам, онам, почталъон ва сингилларим иштирокида кечган бу гапларга ҳам қирқ беш йилдан ошибди. Фашизм устидан қозонилган ғалабага эса ўшанда эндигина йигирма етти йил тўлмоқда эди. Ғалаба – мурти-мўйлабини болта кесмайдиган норғул ўспириндай ёш ва навқирон эди. Мана энди, соқ-соқоли буткул оқариб кетган пахлаван ғалабанинг етмиш беш йиллик таърифу са-насини икки йилдан кейин бутун олам аҳли ҳадиқ ва хавотир билан нишонлаш тараддудини кўраётир. Нима учун ҳадиқ ва хавотир билан?.. Олам қалқиб турибди, дунё таҳликада, одамзод таҳликада.

"Танқлар ёниб кетди, бизлар ёнмадик" дерди жангчи шоиримиз Назармат бобо.

Уруш менда яшайди, мен – урушда яшайман, деган экан Эрнест Хемингуэй.

... Беларусь Республикаси ахборот вазирлигининг 2018 йил, 1-2 сентябр кунлари Брест вилояти, Иваново шаҳрида бўлиб ўтадиган Беларусь ёзуви кунига бағишланган XXV анжумани, шунингдек анжуман доирасида ўтказиладиган "Бадиий адабиёт – бир-биримизга томон йўл топишнинг муҳим воситаси" мавзусидаги давра сўбатидаги иштирок этишимизни сўраб юборган тақдир хатини олган кунларимиз Тошкентда **"Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари"** мавзусидаги халқаро конференциянинг қизгин тайёргарлик паллаларига тўри келгани билан ҳам ўзига хос рамзий маъно касб этган эди.

Тақлиф хати изидан, унинг тафти-ҳурати хали соҳамий туриб, Беларусь Республикасининг ахборот вазири Александр Карлюковичнинг "Буюк Алишер Навоийнинг азиз ворислари" дея бошлангуччи табрикомаси билан "Беларусь қалби ўзбек сўзи учун ҳамиша очик" сарлавҳали, ўзбек – беларус адабий алоқалари тарихи ҳақида муфассал ҳикоя қилувчи, халқимиз ва адабиётимизга нисбатан юксак меҳр ва эҳтиром балқиб турган мақоласини олганимизда, муаллифнинг самимиятга йўғрилган дил изхорию миннатдорлик туйғуларни биз учун ҳам нечоғли азиз ва қадрли эканини яна бир қарра юрак-юракдан ҳис этдик.

Бу орада анжуманларимиз ниҳоялаб, дунёнинг йигирма тўрт мамлакатидан келган вакиллар қаторида беларусиялик меҳмонларнинг ҳам ҳурмат-иззатини бажо келтириб, қисқа муддат ичида мутлақо ўзгача қиёфа касб этган жонахон пойтахтимизни томоша қилдирдик. Айниқса, Миллий боғимиздаги Адиблар хиббонига ундаги Ёзувчилар уюшмасининг янги кўркем биносини кўриб азиз меҳмонларимиз ҳайрат ва ҳаяжонларини яширолмай қолганда, уларга қўшилиб ўзимиз ҳам завқларга тўлдик.

Таниқли адиб, Озарбайжон халқ ёзувчиси Анор муаллим билан Низомию Ганжавий хайкали пойга гуллар қўйганимизда ҳам, бир кундан сўнг ярқираган "Афросиёб" поездида Самарқандга борганларимизга Жомий, Навоий боболарнинг назарлари қолган мадрасаларни биргаликда зиёрат қилганимизда

ҳам соғинч бизни бир лаҳза бўлса-да, тарқ этмади. Дийдор соғинчимиди, адабиёт соғинчимиди?.. Муаллим камгап-камсухан инсон экан, Тошкент аэропортида "Чўх гўзал! Чўх гўзал!", "Соғ ўлунг! Соғ ўлунг!" дебон икки оғизгина сўз айтиб хайрлашди... Сал кейинроқ, орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай Озарбайжоннинг "Адабиёт газети"да ҳассос муаллимнинг "Ўзбекистон таассуротлари" номли кенг қамровли сафарномаси чоп этилди. Сафарнома эмас – улкан адабнинг она Ўзбекистонимиз ҳақидаги кўнгил изхори, ҳайрат ва ҳаяжонлари...

Раҳматли Шукур ака, Шукур Холмирзаев Миртемир домланинг "Дунё кенг, бибижон, кўзлар илғамас" сатрини яхши кўрар, давраларда бот-бот тақроқлаб, айтиб юрарди. Чексиз-чегарасиз дунёни кўзлар илғайдиган қилиб яқинлаштирадиган, етти ёт кўнгилларни бир-бирига ошно этиб, эллар-элаларни бирлаштиргувчи буюк куч ва робита адабиёт бўлса керакки, бунга биз халқаро анжуманимиз давомида, ундан сўнг – мустақиллик байрамига қолган йигирма кунлик қисқа муддат оралиғида кечган қизгин адабий жараён, маърифий-маданий тадбирлару тигиз ижтимоий воқеалар мисолида яна бир қарра амин бўлдик.

Давру замон шиддатли қаламдан ҳам тез, вақт суръати сўз ва товущдан-да илдамроқ. Эндилқда замон ва одамзоднинг руҳий-маънавий эҳтиёжлари сўздан амалга ўтишини, халқлар адабиёти трансчегаравий мақомдан трансбаъшарий-трансдунёвий дарёларга айланмоғини даврнинг ўзи тақозо этаётир. Шу эзгу гоғлар, олижаноб ниятларнинг амалдаги ифодаси сифатида давлатимиз раҳбарининг қарори билан илк мартаба буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнон-боевнинг таваллуд санаси ома юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

10 август куні Абай бобонинг Тошкентдаги муқташам хайкали қошида тантанали маросим ўтказилди. Ён-атроф гуллар-гулдас-таларга тўлди. Шеърли орзу-ти-лақлар янгради. Ният ва ҳикматлардан кўнгиллар яшнаб, олам янада мунавварлашди.

Буюк адиб ва жамоат арбоби, "Ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо" Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Президент қарори, унинг ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар... Ташаббускори Чингиз ога бўлган халқаро нуфузли анжуман – октябр ойида ўтказиладиган "Иссиққўл форуми"га иштирокчимизни сўраб Қирғизистон ҳукумати номидан келган тақлифнома бўйича тайёргарлик жараёнининг завқу ҳаяжонлари, орзу ва умидларимизнинг ўзи бир олам. Улуғ адабнинг "Олам бизни тақлифтиради, биз оламини ўзгартирамиз" деган ибратли гаплари бор эди. Ҳеч нарса бу оламда изсиз кетмайди дейилади қўнча китобларда. Боболар ҳикмати эскирмайди, қўнчаргани сайин янгилашиб бораверади.

Вақтни ҳам шошириб, ҳовлиқтириб қўядиган шиддатли бир даврда яшаётимиз. Одамзоднинг қасри бунёдиди вайрон этувчи, эзгулик биносини емирадиган ёвузлик ва жаҳолатга қарши маърифат истеҳкомларини мустаҳкамлаш вазифаси ҳам бани башар зиммасидаги оғриқли муаммо бўлиб турибди.

Биз нима учун адабиёт деймиз? Таълим-тарбия, билим ва маънавият деб нима сабабдан бунча жон куйдирамиз? Пойтахтимиз ва бошқа шаҳарларимиздаги Алишер Навоий, Низомию бобо, Захриддин Мухаммад Бобур, Шота Руставели, Александр Пушкин, Тарас

Шевченко, Махтумқули ва Огаҳий, Ажиниёз ва Бердах боболарга қўйилган хайкаллар ўзидан-ўзи пайдо бўлмагандир? Ибрат бобола-римиз, Чўлпон ва Қодирийлар, Ҳамид Олим-жон ва Зулфия опалар бекорга яшаб ўтди-ларми? Фафур Фулом билан Ойбек домлалар-чи? Адиблар хиббонидаги тош хайкаллардан жим ва сокин боқиб турган устозларимиз-чи, улар нима учун қаторлашиб турибдилар? Мустақид тузумларнинг бор заҳар-заққумию зу-ғумларини юрак-юракларидан ўтказиб, Ватан ва миллат учун қон ютмаганими улар?.. Шунча иззат-икромлар фақатгина кўрк ё чирой ва ё дабдаба учун қилинмаётгандир?

1941 йилда янграган "Қўлингга қурол ол!" даъвати ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотма-ган, дунё авзойини қўриб, "Қўлингга қалам ол!" дея ҳайқиргингиз келмаяптими? "Қура-шад икки тўлқин – қараб турайтим" деганида Ойбек домла айнан жаҳолат ва маърифат, ёвузлик ва эзгуликнинг курашини назарда тутган. Бу кураш, аёвсиз бу мубориза ҳаёт-мамат масаласи. Шу боис адабиёт масаласи – умумбаъшарий масалага айланди. Шунинг учун ҳам мустақиллик байрамига ўн кунлар чамаси вақт қолганда, пойтахтимизнинг қоқ марказидаги кўркем хиббонда беларусь халқининг улкан адаби Якуб Колас хайкалининг тантанали очилиш маросимида келувчилар-нинг кети узилмади. Ён-атрофга одам сиймай



кетди. Элчилар, арбоблар сўз айтишди. Кўнгиллар ёруғлиги порлоқ чехраларга қўчди, беларусча куй-қўшиқлар янгради, ўзбек ёш шоирлари қалдирғочлардай қатор туриб Якуб Колас шеърларини беларусча лаҳжада ўқиб берганларида, барча қойил қолди. Меҳроқибатли, бағрикенг бир халқнинг бошқа бир миллатнинг улуғ фарзандига қўрсатган юксак эҳтироми ифодаси бўлиши бу воқеанинг до-вуғи ўша кўннинг ўзидеъ етти иккимга овоза бўлди. Беларусь телевидениесининг ахборот каналлари уни тақроқ-тақроқ намойиш этди. Буёғи Тошкентдан то Остонагача, у томони Минскдан Оврупо шаҳарларига қадар – қанча кўнгилларга нур инди, беларусь элининг му-нис ва мушфик онахонлари халқимиз ва дав-латимиз ҳақида дуо қилди.

Беларусь диёрининг севинч ва соғинчла-ри. Бу халқ, жабрдийда бу тупроқ уруш ва қир-ғинлардан не-не талафотларни бошдан кечирмади дейсиз. Иккинчи жаҳон урушининг уч йили давомида Беларусь аҳолисининг уч-дан бир қисми – икки миллион икки юздан кўпроқ киши уруш қўрбони бўлди, 138 минг беларусь болалари етим қолди. Фашистлар томонидан 260дан кўпроқ оммавий ўлим ла-герлари қурилди. "Шталаге-352" деб аталмиш ўлим қорхонасида 80 мингдан зиёд ҳарбий асирлар қатл қилинди. Минск шаҳридан ўн ча-қирим узоқликда жойлашган, собик Совет Ит-тифоқи ҳудудидида энг катта, Оврупо миқё-сида олганда "Освенцим", "Майданек", "Треб-

линки" лагерларидан кейин тўртинчи ўринда турадиган "Тростенек" лагерида 200 мингдан зиёд киши қўрбон бўлди. 400 мингдан кўпроқ беларуслар, уларнинг қаторида, жумладан, 24 минг ёш болалар Германияга мажбурий мар-дикорликка сургун қилинди. 1941-1944 йил-лар – фашистлар босқинининг уч йили даво-мида Беларусь диёрининг 209 шаҳри вайро-нага айлантирилди, 9200 беларусь кишлоқ-лари талон-тарож қилиниб, улардан 628 кишлоқ одамлари тағ-томири билан бутунлай ёқиб юборилди.

... Беларусь диёрида шовқин йўқ, бекорчи қий-чувларни эшитмайсиз. Минск шаҳридан Беларусь ёзувининг санасига бағишланган байрам тадбирлари ўтказиладиган Иваново шаҳрига – уч юз чақиримлик йўлнинг икки томони кета-кетгунча ўрмонзор, ям-яшил далалару қайинзорлардан иборат. Оқ-оппоқ қайинлар – уруш қўрбонлари хотирасига ман-гу бош эгиб тургандай...

Бизни – мен билан "Иход" фондининг иж-рочи директори Шерзод Ирзоевни ўз маши-насида элтаётган "Неман" адабий журнали-нинг бош муҳаррири Алексей Черота икки манзилдаги икки нуқтага эътиборимизни қаратади.

Биттаси – ям-яшил ўрмонзор четида, ик-кинчиси – ям-яшил даланинг қоқ ўртасидаги қия тепалиқда жойлашган, атрофи юпқа гишт девор билан ихота қилиб ўраб қўйилган фашистларнинг дзот-лари экан.

– Уруш даврларининг мудҳиш хотираси, – дейди Алексей дўстимиз. – Келар авлодлар унутмасин, доимо ёдида сакла-син деб давлат томонидан му-хофазатга олинган...

Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмай жим кетамиз. Қўнглимиз алғов-далғов бўлиб ётган бўлса-да, су-қут саклаймиз. Бошларимиз қай-инлардай эгик, бир сўз деёлмай-миз. Аслида, шу икки нуқтагина-нинг ўзи билан сафаримизга нуқта қўйиб, юртимизга қайтсак ҳам бўладигандай, шу икки нуқ-та оралиғидаги уруш ва тинчлик деб аталмиш етмиш уч йиллик

масофанинг бор айрилиқ-армонлари шу лаҳ-заларда қайта тиклангандай, сўзга ҳам, изоҳга ҳам эҳтиёж қолмагандай эди...

Иваново шаҳрида байрам тантаналари юк-сақ даражада жуда ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Беларусь диёри тарих синовлари даво-мида нимаики жабру жафоларни бошдан кеч-чирган бўлса беларусь ёзуви билан адаби-ёти ҳам шу азоб ва машаққатларни жон-жон-нидан ўтказгани, матонатли халқнинг иро-даси буқилмай, ўз шаъну ғурурини асраб келгани қайта-қайта таъкидланди. Байрам давомида жаҳолатга қарши маърифатнинг беларусча намуналарига гувоҳ бўлдик. Улар-да ҳам худди биздагидай, китобхонлик, би-лим ва тарбия масалаларига давлат миқё-сида эътибор берилаётгани, бу йил ўн беш минг нафар мактаб ёзувчилари "Тирик сат-рлар" танловига фаол қатнашганию шу тан-лов ғолибларини тақдирлаш маросимида бизни ҳам тақлиф этишганидан мамнун бўлдик. Сўзни, Ватанни дил-дилдан ҳис қилиб шеър айтимоқнинг завқи ва саодати-ни беларусь ўғил-қизлари тимсолида кўриб, қувончимизга қувонч қўшилди.

Кейин Беларусь ахборот вазири, ўзи ҳам яхшигина болалар ёзувчиси бўлиш бағри-кенг ва очикқўнгил инсон Александр Карлю-кович алоҳида қабул уюштириб, адабиёт-миз ва миллатимиз шаънига илиқ тилақла-рини изҳор этган лаҳзаларда ҳам бу севинч бизни тарқ этмади.

– Тарих ўтмишда солинган изларни ҳеч қачон унутмайди, – деди муҳтарам мезбон мулоқотимиз давомида. – Орта, неча ўн йил-лиқлар нарига назар ташласак, Ўзбекистон ва Беларусьни маҳкам боғлаб турган кўп риш-талар борлигини кўриб, одам беихтиёр ҳай-ратга тушади. Бизнинг миллий адабиётлари-мизни боғлаб, уларни бирлаштириб туради-ган кўп жиҳатлар бор... Адабий алоқалар энг мустаҳкам алоқалардир.

Учрашувларимиз давомида кўп устоз адиб-ларимизнинг номлари қайта-қайта тилга олинди. Биз бегоналари эмасмиз, қон-қардош-лармиз, жигарлармиз дейилди.

Байрам муносабати билан бутун халқ – ёшу қари кўча-хиёбонларга чиққан, беларусь хунармандлари бор бисотларини ёйган шоду хуррам расталарни томоша қилиб, порлоқ чех-ралар оралаб ғажвум истироҳат боғининг дар-возаси томон юракнамиз, ўнг томонда – йўлакнинг четидаги курсидан уч нигоҳ – уч жуфт ўзбекона кўз биз томонга қараётгандай туюларди. Тўхтаганимиз ҳамоно ўринлари-дан туриб ўзбекча салом беришди.

Барнохон эканлар, қўзлари Маликахон, Фозилахон билан байрамга келишибди. Тур-муш ўртоқлари Дониёр Обидов – элчихона-мизда маслаҳатчи бўлиб ишларкан, ҳозир дипкорпус вакиллари билан байрам тантан-аларида экан, шу кишини кутиб ўтиришган экан... Учовлари – Тошкентдан учиб келган уч оқ кабутарга ўхшади. Тинчлик ва эзгулик кабутарлари...

"Тошкентни соғинмадингларми?.." деган саволимиз ўринсиз бўлганини дарров пай-қайман.

"Қанийди, ҳозиринг ўзидаёқ қанот чиқа-риб учиб борарди..."

Бизни ҳайратлангирган учинчи нуқта: Мин-скда, Шон-шараф ва хотира майдонида бош эгиб турганимизда Тошкентдан бир муҳтарам адабиётчи домламиз қўл телефонимга ноҳос қўнғироқ қилиб қолди. "Беларусда, Минскда-ги Шон-шараф майдонида турибмиз!" десам аввалига ишонқирамади, кейин ўпкаси тўлиб бир гап айтди:

"Менинг отам ўн саккиз ёшида, 1943 йил-да айнан Беларусь заминидан фашистларга қарши жангга кирган. Минскни озод қилиш-да қатнашган. Станковой пулемёти сифа-тида Беларусдан Берлингача, ундан Манч-журия жангларига борган... Ўн уч ўғил, тўрт қиз фарзандининг отаси. Ҳозир тўқсон уч ёшида... Беларусь Президентидан, ўзимиз-нинг Президентимиздан табрик хатлари ол-ганлар, келсангиз..."

Шу жойга келганда алоқа ўзилиб қолади. Энди менинг ўпкам тўлиб, бўғзимга бир нима тикилгандай бўлади. Қўзёшим бўлса керак. Домла "Келсангиз кўрсатаман ё ўқиб бера-ман" демоқчи эдимиз?..

Домланнинг ҳам, отасининг ҳам номларини ошқор қилмай кейинги мақолага қолдириш-ни лозим топдик.

Бу мақоламиз адабиёт газетамизда чоп этишга ҳозирланаётган пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиё-евнинг тақдирига биноан Беларусь Респу-бликаси Президенти Александр Лукашенонинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланган, ўттиз уч миллионлик ўзбек халқи, ўн милли-онга яқин беларусь халқининг орзу ва умид-ларини ўзида мужассам этган олиймақом уч-рашувлардан сўнг муносабатларимизда мут-лақо янги даврлар бошланишини замоннинг ўзи гувоҳлик бериб турибди.

Севинч ва соғинчларимизнинг ифодаси бўлиш адабий алоқаларимиз ҳам шак-шубҳасиз мустаҳкам маънавий кўприқларга айланажак!

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

КАРМАНАЛИК КАМТАР ИЖОДКОР

Юртимиз гўшаларида адабиётга фидойи иждоқорлар кўп. Улар ора-сида бир самимий ва заҳматкаш шоир бор. Ўзини ҳам, ёзганларини ҳам қадрли билладиган шоир. Айрим иждоқорлардек турли давра, минба-ру микрофонларга ҳаёбё ўзини ура-вермайди. Мабодо бирор тадбир ёки учрашувга тақлиф қилсангиз, ал-батта, боради ва сиёҳи қуримаган янги шеър ўқийди. Уни Кармананинг камтар шоири, деб алқашади.

Гап Навоий вилояти, Кармана тумани, Дўрмон қишлоғида туғилиб, ўз дилтўғин шеърлари билан танилган Шойим Шерназар ҳақида бораётир. Бу хокисор шоирни ёши улғулар "Шойимжон", тенқулар-ри "Шойимқул", кичик ёшлар "Шойим ака" деб атайдилар. Камина уни ўзимга яқин олиб, "Шойимбой" дейман. Бир шоир бой бўлса, бўлибди-да.

Шоир шеърларини ўқисангиз, соф ва бегубор туйғуларга, теран фалсафий мушоҳадаларга, хул-лас, куюнчак ва жўшқин қалб манзараларига дуч келасиз. Шеърбулоқ юракдан тўкилган қувончу из-тиробрлар сизнинг ҳам кўнглингизга кўчади:

Жилвини маҳкам тутсанг,
Чопқир бўлар тўлпорлар.
Қаламингдан дард тўксанг,
Қалбини ёқар қоғозлар...

Унинг шеърларини синчковлик билан ўқисан-гиз, "дард тўкилган" қоғозларда "қалбини ёқар" мисралар қанча топилади.

Шоир ўзи туғилиб ўсган юрт – Карманани жон-дили билан, фидойийлик билан севади. Бу юрт

унинг ижодида асосий мавзулардан бири ҳисобланади. Кармананинг гоҳ уқубатга тўла ўтмиши, гоҳ ҳозирги жўшқин ҳаётини қаламга олади:

...Илҳом жўшиб шоирлари қаламини йўнар,
Боғлариди фарингалар кезган Кармана.
Шойим Шерназар шеърлари оҳорли ташбеҳлар, фалсафий хулосалари билан ажралиб туради. Масалан, "Момом саваб қўйган пахтадек, / Кўк тоқтда пар-ча булутлар", "Девордаги соат милли-ри, / Гафлатнинг умрини санаиди", "Тол-лар гурун қилар зўр давра қуриб, / Сарҳовуз жимираб ой нурин ичар..."

Шоирнинг ҳаёт фалсафаси акс этган шеърлари-ни ўқиганда, унинг Абдулла Орипов ижод макта-би сирларини ҳамон пухта ва чуқур ўрга-наётганига ишонч ҳосил қиласиз. Чунон-чи, унинг "От" деган шеърига диққатни қаратайлик:

Ҳамма отта минмоқ истайди,
Мансаб қули ҳаммаси, ҳайхот.
Кўриб туриб кулгим қистайди:
Нима қилсин, битта бўлса от...

Шойим Шерназарнинг шу вақтгача "Тун эрта-ги", "Соғинч даласи", "Сунбула", "Истара", "Кўнгил йўли" мажмуалари ва "Япроқ умри" сай-ланмаси чоп этилган.

Бу кун умрининг олтиминчи бекатига етиб келган шоир укамизнинг бундай сатри бор: "Бир сўз излаб, қуйиб яшадим".


Қаламингиз ёниқ СЎЗНИ излашдан асло тол-масин. Шеър ишқиди ёниб яшаш завқи сизни асло тарқ этмасин.

Ашурали ЖўРАЕВ



Уюшма фаолиятдан

Янги китоблар тақдимоти



Ўзбекистон ёзув-чилар уюшмасида "Адиб ва ҳамият" руқни остида чоп этилган ўнга яқин бадиий, публицистик асарларнинг тақди-мот маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекис-тон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунийлик пала-таси вакиллари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олим-

лар, иқтидорли ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимла-ри иштирок этди. Сўзга чиққанлар таниқли адиблар Анвар Обиджоннинг "Фарғоналиклар" эссе сафарномаси, Эшқобил Шукурнинг "Бобо сўз изидан" тадқиқоти, Энахон Сиддиқова-нинг "Барханларда унган гул" лиро-эпик қиссаси, Иқбол Мир-зонинг "Зарб" қиссаси, Шодмонқул Саломнинг "Қўнгил обид-а-сига йўл" мақолалар тўплами, шунингдек, "Мен Ўзбекистон фуқаросиман" ва "Халқ қалбига йўл" публицистик мақолалар тўпламлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, дав-латимиз раҳбарининг 2017 йил 3 августдаги иждоқор зиёли-лар билан ўтказган тарихий учрашувидан кейин соҳада рўй бераётган жонлиш, ижобий ўзгаришлар иждоқорларни Ва-тан ва халқ олдидаги масъулиятни ҳис этишга ундаётгани, янги асарлар яратишга илҳомлантираётганини алоҳида таъ-кидладилар. Тадбир сўнггида иштирокчилар тақдимида ўт-казилган китоблар совға қилинди.

Дилларга қўчган шеърят

"Онажоним шеърят" тўғараги ташаббуси билан халқимиз суйган шоир Шавкат Раҳмон таваллудига бағишлаб

ижодий учрашув ўтказилди. Тадбир аввалида шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида видеоолик намоиш этилди. Иштирокчилар Шавкат Раҳмоннинг бадиий маҳоратида атрофлича тўхталиб ўтар экан, шоир асарларида қаламга олинган мавзулар ранг-баранглиги, лирик-фалса-фий, даъваткорлик руҳи устуворлигини таъкидладилар. Тад-бир сўнггида шоир шеърлари асосида мушоира бўлиб ўтди.

ТАШКИЛОТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Шу йил август ойининг биринчи ўн кунлигида пойтахти-мизда ўтказилган "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро конференция адабиётимизнинг халқаро миқёсдаги тарғиботи йўлида муҳим кадам бўлди.

Тадбирни бошқарган Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбоса-ри Ғайрат Мажиб миллий адабиётимиз ривожига ва унинг хал-қаро эътирофи борасидаги нуфузли анжумани юксак савия-да ташкил этишда жонбозлик қўрсатган барча ташкилотчи ва иждоқорларга алоҳида миннатдорлик билдириб, ушбу ижо-дий анжуман ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти дурдона-ларини бутун жаҳонга тарғиб этиш, иждоий алоқаларни ри-вожлантириш масалаларига тўхталиб ўтди.


Давлатимиз раҳбарининг адабиётимиз ривожигаги улкан рағбати, эътибор ва ғамхўрлиги, қолаверса, адабиётимиз фи-дойилари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддилари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари саъй-ҳаракатлари боис конфе-ренция юксак савияда ўтди. Тадбирда ана шу фидойи ташки-лотчилар уюшма томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

1. Кимдир адабиётимиз юксалиш палласида деса, кимдир бунинг аксини тасдиқлайди. Сизнингча, қай бири ҳақ ва нега?

2. Ҳозирги адабий жараёндаги қайси муаммо сизни энг кўп ташвишга солади. Ушбу муаммони бартараф этишнинг қандай самарали йўлини кўрсата olasiz?

3. Кейинги пайтда замондош адибларимиздан кимларнинг китобларини ўқидингиз? Қайси асар сизга маъқул келди-ю, қайси асардан кўнглингиз тўлмади? Бунинг сабаблари нимада?

Мазкур анкета ёрдамида бугунги адабий жараёнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида бир қур фикрлашиб олсак, фойдадан холи бўлмас. Ахир, айтадилар-ку, "Кенгашли тўй — тарқамас", деб. Шундай эзгу ният ила анкетамиз саволларига навбатдаги жавобни эътиборингизга ҳавола этаётимиз.



чораси топилмай қолди. "Пул бўлса — чангалда шўрва" деганларидек, адабиёт даргоҳига ёпирилиб кириб келаётган "тадбиркор" шоввозлар саёз битикларини китоб ҳолида чоп этиришда ҳаммамизни доғда қолдирапти...

Омадни қарангки, қалбаки, ясама битиклар тўзони ичида ҳам ярқ этиб кўзга ташланадиган чин, ардоқли, юрак амри, илҳом шавқи билан битилган,

НОЁБ ТАМОЙИЛЛАР, ЯНГИЧА КУЗАТИШЛАР

оид муҳим мақолалар ҳам ўрин олган. Ҳар бир жиддий адади бор-йўғи 1000 нусхадан деб белгиланган. Бунинг кўриб ёқа ушлайсан киши...

Камина адабиётшунос сифатида салкам олтимиз йиллик фаолиятимизнинг деярли ярмини Қодирий мавзусига бағишлаганам, кўплаб мақола, китобларим чоп этилган. Ўзига етук адибларни асло камситмаган ҳолда, миллат эрки, озодлиги, руҳияти, маънавияти, орзу-интилишлари ифодаси, кашфи борасида ўтган асрда бадий ижод аҳли орасида ҳеч ким бу аллома даражасига кўтарилмаганини эътироф этиш керак. Ҳар бир ўзбек хонадони тўридаги китоб тоқасида Қуръони карим, Навоий "Хамса"си ёнида "Ўткан кунлар" ҳам туриши лозим деб биламан.

Бугунги адабий жараёнда заиф, адабий танқид ибораси билан айтганда, "танқиддан тубан" асарлар тўлиб-тошиб ётибди. Камина бир вақтлар мунаққид таҳлил, тадқиққа арзийдиган чин асарлар устидagina бош қотириш, "танқиддан тубан" битиклардан узоқда туриши лозим деган фикрда юрардим. Адашган эканман. Кейинги йилларда "танқиддан тубан" бу хил битиклар шу қадар ўтлаб кетдики, уларни чеклаш

теран таҳлил, талқинларга, қизилан бахс-мунозараларга озик берадиган асарлар ҳам яратил-япти. Улар фақат ўзимизда эмас, хорижда ҳам қад-қимматини топмоқда. Ўтган аср охири, кейинги янги аср давомида Хуршид Дўстмуҳаммад, Улуғбек Ҳамдам, Назар Эшонкул, Иқбол Мирзо, Исажон Султон сингари, шоир ибораси би-

мизда кечаятган ноёб тамойиллар янгича талқинларни такозо этаётир. Қисқаси, бугунги етук адабий авлод тафаккур тарзи, изланишлари туфайли замонавий жажон адабиётдаги янгича тамойилларга туташ, айна пайтда миллий қадриятларимиз заминиди шаклланаётган бетақдор, ўзига хос миллий адабий оқим тарзида на-

Адабий жараён: муаммолар ва мулоҳазалар

лан айтганда, "аввалгиларга ўхшамас" замонавий жажон адабиёти намояндалари қаторида туришга лойиқ янги авлод қад ростилади, уларнинг насрий, шеърый битиклари фақат диёримизда эмас, ундан ташқарида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Биргина мисол. "Истиқлол даври адабиёти" руҳида "Исажон Султон насри бадийати" номи остида қирқдан ортиқ хорижий ва ўз юртимиз етук мунаққидларининг Исажон Султон ижодида оид мақолаларидан иборат қарийб 400 саҳифали салмоқдор тўплам чоп этилди. Айна шундай тўпламни Исажоннинг сафдошлари ижоди ҳақида ҳам тайёрлаш мумкин, улар битотида ҳам жажонга кўз-кўз қилгудек етук, беназир асарлар бисёр. Уларнинг саъй-ҳаракати, изланишлари туфайли замона-

моён бўлмоқда. Энг муҳими, бу жараён хориждаги зукко адабиёт намояндалари томонидан ҳам эътироф этилмоқда, унинг сара намуналари хорижий тилларга таржима қилинмоқда. Мана шу ноёб ҳодисадан беҳабар ҳолда нуқул бугунги адабиётимиз ҳолидан нолиётган қимсаларга ачинасан киши.

2. "Ҳозирги адабий жараён" номи муаммо сизни энг кўп ташвишга солади? Ушбу мунаққидларининг Исажон Султон ижодида оид мақолаларидан иборат қарийб 400 саҳифали салмоқдор тўплам чоп этилди. Айна шундай тўпламни Исажоннинг сафдошлари ижоди ҳақида ҳам тайёрлаш мумкин, улар битотида ҳам жажонга кўз-кўз қилгудек етук, беназир асарлар бисёр. Уларнинг саъй-ҳаракати, изланишлари туфайли замона-

деса экан, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун жасорат, шижоат, мислсиз фидойилик лозим. Очиғи, ҳозир сизу бизда айна шу хислат, саъй-ҳаракат етишмаяпти.

3. Очиғини айтмай, авваллари адабиётимизда пайдо бўлган жамики асарларни қолдирмай ўқиб борар эдим. Боз устига, мени ҳаяжонга солган барча асарлар ҳусусидаги таассуротларимни, аввало, университет талабаларига, сўнг матбуот орқали кенг китобхоналарга етказиш йўлини тутардим. Ҳозирги ёшимда бунинг илоҳи йўқ. Дилга яқин ҳамкасб китобхон шогирдларим тавсия қилган, ўқишга арзийдиган асарларнигина мутулаа қилиб бораман. Ўқишга арзийдиган асарларнинг ҳам даражаси турлича. Кўнглим тўлмаган асарлар ҳақида гапирмай қўя қолай. Лекин улар орасида қалбни жунбишга келтирадиган, ҳаяжонга соладиган, ўй-мушоҳадаларга ундайдиган битиклар ҳам борлиги қалбига қувонч бахш этади. Яна ўша қадрдон иниларим — Хуршид, Улуғбек, Исажон, Иқболлар қаламига мансуб асарлар шу кунда кечаги ва эртанги адабиётимизни ўзаро боғловчи қўприк бўлмоқда, назаримда. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Ёлғиз", Иқбол Мирзонинг "Зарб", Исажон Султоннинг "Ҳазрати Хизр изидан" қиссалари қўлма-қўл ўқилляпти, давраларда улар ҳақида бахс-мунозаралар бўляпти... Чунончи, Исом Академияси тингловчилари даврасида диний-исломий рух билан йўрилган "Ҳазрати Хизр изидан" қиссаси теварагидан теран илмий руҳда кечган муҳокама-мунозара, жумладан, қалбидан яхши таассурот қолдирди. Муҳокама чоғи амин бўлдимки, бу турдаги асар руҳи, моҳиятини англаш, у ҳақида сўзлаш, ёзиш учун адабий-танқидий билимдан ташқари малака, диний-исломий сабоқ ҳам даркор экан мунаққидга.

Юзлаб нашриётларда чиқаётган юзлаб адабий-бадий китоблар орасида оз бўлса-да, ана шундай нодир намуналар борлигидан қувонасан киши. Бугунги кунда шундай асарлар борлиги, яратилаётгани кўнглимга таскин беради, миллий адабиётимизнинг бугунги ҳамда эртасига умид уйғотади.

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари
доктори, профессор

ИСМИ ҲИКМАТЛИ ШОИР

Жамшид — Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур "Шоҳнома" асаридаги афсонавий подшоҳнинг номи бўлиб, улғу, улкан, муаззам деган маънони билдиради. Ҳар гал ажойиб инсон, садоқатли дўст Жамшидни кўрганимда, асарларини ўқиганимда унинг исмидаги ҳикматли маънони эслашман. Донишмандларнинг гувоҳлик беришича, одамнинг исми унинг кейинги тақдирига, феъл-атвориға ўз таъсирини ўтказар экан. Адабиётни, ижодни муқаддас қадрият янглиғ кўнглига жо этган ва умрнинг етмишинчи манзилини кўзлаб турган дўстимизнинг мазмунли ҳаёт йўли бу фикрнинг тасдиғидир.

Таниқли шоир, форс-тожик адабиётининг заҳматқаш таржимонларидан бири Жамшиднинг баракали, сермазмон ижоди китобхоналарга яхши таниш. Унинг турли йилларда чоп этилган "Зангори япроқлар", "Карвон" "Бўладиган эл" шеърый китоблари муҳлислар кўнглидан жў олган. Шунингдек, "Майса ҳиди", "Ҳазон-рез кунлар", "Еруғ сўз", "Ишқ жоми", "Тийра моҳ", "Кўнгли кўзгуси", "Моҳи тобоним", "Сайланма", "Ибодат" шеърый мажмуалари ҳам тилга тушган, кўпчиликка манзур бўлган.

Серқирра истеъдод соҳибининг шеърыйи ҳақида кўп ва ҳўп гапириш мумкин. Унинг асарлари мавзуси рангбаранг, лирик қаҳрамони кечинмалари тиниқ ва таъсирчан, китобхонни бефарқ қолдирмайди, қалбни тўлқинлантиради. Бундай фазилатлар эса оқсак истеъдод эгасига хосдир. Зеро, ҳар қандай истеъдод ва унинг меваси заминиди инсоннинг бетақдор "Мен"и — шахсияти туради.

Ҳаётда яхши дўстлар ортириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Атоқли адиб Асқад Мухторнинг шундай бир армонли гапи бор: "Дўстлик бор, дўстлар йўқ". Менингча, ҳаётда дўст ортиришининг оддийгина бир сир бор: одамнинг ўзи, умид, дўстликка муносив, лойиқ бўлиши керак. Тўла ишонч билан айта оламаники, Жамшид дўстликка лойиқ инсон. Бунинг исботи — унинг яхши дўстлари кўп. Ҳаётнинг маъносини ўша дўстлари билан мулоқотда кўради. Табиийки, дўстларининг аксарияти ижодкорлар — қалам аҳли, шоир ва ёзувчилар. Эътиқод ва дунёқарашларнинг муштараклиги бундай дўстликнинг муқтаҳам заминидир.

Жамшид Тошкентга келганда, биринчи галда, дўстларини йўқлайти, уларнинг ҳаёти ва ижодларидаги янгиликлар, ютуқларни эшитиб сўнади, Дўрмонга бориб, дўстлари билан мириқиб гурунглашади. Туғишган укаси, таниқли ёзувчи Шойим Бўтаев билан қўришиб, болалик хотираларини эслашади.

Шоир дўстимнинг фаолиятидаги мен ҳавас қиладиган ва кўпларга ибрат қилиб кўрсатадиган яна бир муҳим фазилати — адабий меросимизга, таниқли шоир ва ёзувчиларнинг ижодиға чексиз эътиромидир. Бундай фазилат шахсий доирадан кўтарилиб, икки қардош халқларнинг азалий дўстлигига, муштарак қадриятларимизга хизмат қилаётгани ҳам айна ҳақиқатдир. Жамшид ҳазрат Навоий газалига, шунингдек, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Ўлмас Жамол, Зулфия Бобоева газалларига муҳаммаслар бағишлагани ана ўша эътиромнинг бир далили, десам ҳақ бўлмайди.

Тожикистонда яшаб, ижод қилиб, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини қардош ўлкада тарғиб-ташвиқ қилиб келаётгани ҳам унинг серқирра фаолиятидан далолатдир.

Жамшиднинг "Шарқнома" журналининг 2017 йил, биринчи сониди "Мен шоирман" дея номланган Абдулла Орипов ҳақидаги хотираларини зўр ҳаяжон билан ўқидим. Муаллифнинг нозик ва теран кузатишлари, шоир ижодиға чексиз меҳру илҳоси айна ҳақиқат бўлишидан ташқари, Абдулла Орипов муҳлисларининг ҳам кўнглидаги фахру гурурга, армонларга монандлиги билан диққатга сазовордир.

Жамшид ижодкор умрининг айна етуклик палласида. У бетақдор, баракали ижоди билан ҳали муҳлисларини кўп ва ҳўп хушуд этишиға ишонаман.

Шодмон ОТАБЕК,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Тоҳир Малик адабиёт оламиға 1960 йили "Гулхан" журналида эълон қилинган биринчи ҳикояси билан кириб келган. Оилада кенжа фарзанд бўлган, хат-саводни опалари ва акаларидан ўрганган адибда адабиётға ҳавасни тоғаси, таниқли адиб ва таржимон Мирзакалон Исмоилий уйғотади. Урушдан кейинги, турмуш кечириш ниҳоятда оғир бўлган йиллар унинг ўсмирлик давриға тўғри келади.

Мустабид тузумнинг адолатсизликлари уларнинг оиласини ҳам четлаб ўтмаган эди. Тоғаси Мирзакалон Исмоилий 1950 йилда "халқ душмани" сифатида қамоққа олинди. Иккинчи жажон уруши даврида қарийб тўрт йил мобайнида қон кечиб, 1947 йили ҳарбий хизматдан захираға бўшатилгач, Ватаниға қайтиб келган Мирзакалон Исмоилийни арзимаган чакувлар билан "халқ душмани" сифатида ҳибсга олишади. Ўша кунларни Тоҳир Малик шундай эслайди: "Кечаси уйғониб кетиб қарасам, аям раҳматли қорачиқ нуриди дўппи тикиб ўтирибдилар. Қўллари ишда-ю кўзларида ёш. "Нега йилғаясиз?" — деб сўрадим. Жавоб бермадилар. Сабабини йиллар ўтиб билдим". Адибнинг онаси Санобар ая ўша вақтдаги изтиробларини, дарду аламларини боласига тушунтира олмаган. Ноҳақ қаламалган акасини ўйлаб ўйларига етолмай, эзилётганини ўғли билмаган. Кейинчалик Санобар ая акасини қўриш учун дўппи тикиб, пул тўплаб жигарбандиға палов пишириб қамоқхонаға боради. Қамоқхона нозирлари аёлнинг соддалигидан фойдаланиб, олиб келинган таомни маҳбўсга берамиз деб олиб қолишади, бироқ ака учун меҳр билан тайёрланган паловни ўзлари паққос туширишган. Бундан мутлақо беҳабар муштипар аёл уйига хурсанд бўлиб қайтади. Бу вақтда эса ака аватхонинг қоронғу захонасида азоб тортиб ётган эди...

Ҳаётда кўрган-кечирган бу каби лаҳзалар кейинчалик ёзувчи ижодида чукүр из қолдирди. Мустабид тузум даврида минглаб беғуноҳ инсонларнинг ёстиғи қуриди, минглаб инсонларнинг қалбига битмас жароҳатлар

зарурки, собиқ шўро даврида ижод қилган адиблар сўзда маъқулласа ҳам, барибир коммунистик маффуридан ичиндан қабул қилишмаган. Бунга мисол қилиб ёзувчининг айна мавзудаги асарларини келтиришимиз мумкин. Жумладан, "Сўнгги ўқ" асаридаги Жаҳонгир образи орқали сиёсий бухронлар оддий кишини не қўйга солишини, лекин ҳамма ҳам бу синоваға дош беролмаслигини кўрсатган. Туркистонга "экспорт" қилинган "ишчи-деҳқонлар" тўнтариси, бунинг оқибатида минглаб одамларнинг тақдирини ўзгариб кетиши, ўз ватанини ташлаб бегона юртларға кетиб қолиши, баъзилари тақдирга тин бериши, баъзилар қўлида қурол билан курашиши,



Адиб ушбу иқролар воситасида қаҳрамонларнинг ботинида кечаётган изтиробли ўйларни аниқ ифодаляйди. Оламгир ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяди ва бу йўлда, ҳатто отасини отиб қўяди. Укасининг қаҳри қаттиқлигини ва уни аямаслигини ҳаёлидан ўтказайди, укасининг шартига қўнганига пушаймон бўлади. Аслида у укасининг тақдирига бефарқ, ўз жонини асрашини ўйлайди. Хорижа кетаятганида рафиқаси йўл азобига чидалмай вафот этади. Оламгир ҳеч иккиланмай укасининг завжасига ўйлаиб олади ва бу қилмишини мусулмончиликка йўяди. Бироқ унинг бу ҳаракати исломий арқонларға зид. Кишлоқни тарқ этишдан аввал қилган қилғилиги учун укаси жавобгар бўлиб қолиши мумкинлиги уни мутлақо ташвишга солмайди.

Жаҳонгирда биз бунинг аксини кўрамиз. Ўзига тўқ деҳқоннинг ўғли ҳалол, ор-номусли, айтган сўзини бажарадиган, қатъиятли инсон сифатида кўз ўнгимизда намоеён бўлади. У барг узилганидан кейин содир бўладиган хунрезликдан азият чекади. У акасини ҳақ йўлида отиб ташламақчи. Оламгирни шартта отиб ташласа бўларди, лекин Жаҳонгир бундай қилмайди, чунки мард ва ҳақиқатпарвар инсон.

Зулмға қарши курашган қўрбоши Зафарбек вазият уларнинг фойдасига қарши экани боис, оға-иниларининг, Мухаммадризоининг ёниға келади, унинг тақводор инсонлигини инобатта олиб, бойлигини унга омонатга беради. Мухаммадризо Зафарбек берган зеб-зийнатлар, тилла тангалардан фарзанглириға улашади. Бундай бойлиқни қўлга қиритган Оламгир хорижа кетиш ҳақида ўйлаб қолади. Отасига бу ҳақда оғиз очганда, унинг жавоби қисқа бўлади: "Бир товоқ ёвгон билан одамнинг қорни тўяди. Хорижа борсанг ҳам бир товоққа тўясан. Икки товоқ еёлмайсан,

бўкиб ўласан". Мухаммадризоининг сўзлари Оламгирнинг аслида кимлигини кўрсатади.

Оламгирнинг беқарорлиги боис, ота кўпроқ Жаҳонгирға ишонч билдиради. Зафарбек берган бойлиқни кенжа ўғлиға топширади. Жаҳонгир отасининг ўғитларига содиқ қолади. У мустабид тузумнинг азоб-уқубатларини торсда-да, одамийлик қиёфасини йўқотмайди.

Адиб мазкур асарида оддий инсон, деҳқон Жаҳонгирнинг ҳаёт йўлини ёритар экан, бизни оғоҳликка: тарихдан тўғри хулоса чиқаришга, сабоқ олишға қаҳиради. Истиқлолнинг беминнат қўшидан баҳраманд бўлишимизға, уни асраб-авайлашимизға ва Ватанимиз равнақи учун янада фаол бўлишга ундайди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида устувор йўналишларидан бири ёзувчининг истиқлол гоёси, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанға муҳаббат руҳида тарбияладан иборатдир. Инчунин, ёшларға оид сиёсат мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Аиникса, китобхонлик маданиятини ошириш ботида юртимизда таҳсинга лойиқ ишлар амалға оширилмоқда. Бу жараёнда фаол ижодкорларнинг тер тўкиб қилаётган меҳнатлари давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Хусусан, атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришға доир хизматлари ҳам муносиб тақдирланиб, 2017 йил адиб "Меҳнат шўҳрати" ордени билан тақдирланди.

Тўлқин САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гардияси Ҳарбий
техника институтини доценти,
филология фанлари номзоди

ТАҚДИРЛАР ТАЛҚИНИ

Таниқли адиб Тоҳир Малик ижодиға бир назар

ётказилди, минглаб тақдирлар қатагон тегиригидан тошлари орасида янчилиб кетди. Ўша машъум сиёсатнинг инсонлар тақдирини қолдирган салбий оқибатлари адибнинг "Сўнгги ўқ", "Мурдалар гапирмайдилар", "Ов", "Шайтанат", "Чархпалак" каби асарларида рўй-рост кўрсатилган. Муаллиф ўз асарларида қурраи заминнинг олтидан бир қисмини эгаллаган собиқ "қизил салтанат" даврида оддий инсоннинг ҳаёти, тақдирини, орзу-умидларини, руҳий кечинмаларини, у қайси миллат вакили бўлмасин даҳшатли қатагон машинасининг олдида ожизлиги, ҳасасали қадр-қиммати йўқлиги, не-не синовларни бошидан кечиришини маҳорат билан тасвирлаган.

Юрқиди асарларнинг айримларини Тоҳир Малик собиқ шўролар даврида ёзиб туғатган эди. Лекин улар истиқлол туфайлиғига олам юзини кўрди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш

қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ва руҳий ҳолатлари ишонарли тарзда очиб берилган.

Асар Дайдидадаги қирда ўсган чинор остидаги зиддиятли манзара тасвири билан бошланади. Ёзувчи ака-ука қарама-қаршилигини тасвирларкан, табиятда ҳам шунга монанд ўзгаришлар рўй бераётганини таъкидлайди: "Кузининг совуқ нафасида титраб-қақшаб турган япроқлар қитдай шабадаға ҳам тоб беролмай қирт узиладиган аҳволға келган", "танҳо савлат тўкиб турувчи чинорнинг энг пас-тики шохидида барг узилган ҳамон милтиқ отилади: кимдир — иккисидан бири қулаши керак". Баргнинг узилишини пойлаб турган оға-инининг руҳий ҳолатини ёзувчи табият ҳодисасига қиёслаб очиб берган.

Оламгир ҳаёлидан шундай фикрлар ўтади: "Падаркушлигим рост бўлса, Худо аввал кўзимни кўр қила-

ди. Баргнинг узилганини кўрмай қолам. Жаҳоннинг қаҳри қаттиқ. У аямайди... Барг қани? Нимаға кўрма-япман? Худо жонимни укамнинг қўлиға топширдим? Пешонамға ёзилгани шуми?". Энди Оламгирнинг иниси Жаҳонгирнинг ҳаёлидан ўтган фикрларни ўқиймиз: "Талвасаға тушиб қолдилар. Ўлим ҳақлигини сез-диларимкан? Тепада Худо ким ҳақ, ким ноҳақлигини кўриб турибди. Агар отамни била турди атайин ўлдирган бўлсалар, омон қолмайдилар. Худо жазосини беради. Аммо жазосини менинг қўлларим билан беришиға қандай қийданман кейин! Отамнинг қабри совумай туриб, акамдан ҳам айрилсам, кимға сўямаман?... Барг қимирляпти. Қанча кутамиз? Балки барг эртаға ҳам узилмас? Балки киши билан қолиб кетар? Ахир, ҳамма барглар ҳам узилиб тушавермайдик-ку? Акам баргта қараяптиларми?"

Тулан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

ШОНҲ ЧОҒИ БОҒИМ АРО



Анджонга келинг

Боболаримдан қолган бобо юртим,
Момоларимдан қолган момо юртим,
Қўнгли юксак осмон, хушхаво юртим,
Менга Худо айлаган ато юртим —
Анджонга келинг, жон Анджонга!

Бунда тонлар орзу бўлиб отади,
Саҳарлар элини қуш уйғотади,
Қоралар мавжиги ой ботади,
Адирали Бобури уйлаб ётади —
Анджонга келинг, жон Анджонга!


Бир ёнда Наманган, бир ён Фарғона,
Уч оғайни ботир, учта мардона,
Уч паҳлавон битта, битта пешона,
Истиқлол тахтига олтин остона —
Анджонга келинг, жон Анджонга!

Бу элининг орзуси, армонлари мўл,
Тоza виждон янглиғ хирмонлари мўл,
Пахталари мўлди, ҳам донлари мўл,
Баркаш ойга монанд оқ нонлари мўл,
Анджонга келинг, жон Анджонга!

Бобур ўсган ерга гар талпинсангиз,
Нодира шеърини сиз соғинсангиз,
Оташнинг Чўлпонни агар билсангиз,
Тулан Низомни ҳам кўзга илсангиз —
Анджонга келинг, жон Анджонга!

Ўз манзараси

Саратон чўғида қовжирар япроқ,
Най чалар ариқча,
Ҳовуз жимиллар.



Муқошидан чиқиб келган оппоқ "Ласетти"
қассобхона биқинида жонсарак турган, олача
чопон, кўк саллалли, жиккак жусса қария ёнида
тўхтади.

— Йўл бўлсин, отахон? — деб сўради олд
ўриндиқда ўтирган, хумкалла, қош-қабоғи
солиқ, қоп-қора одам.

Қария серсавлат уловга хуркинқираб яқин-
лашди.

— Жалпоқтошга.
— Ўтиринг, Чалпактепагача етиб оласиз.
— Маъкул, улим, барака топинг, — деди
қария машина орқа эшигига қўл чўзаркан, —
нариёғи яқин, бир амалларман.

— Тезроқ қимирланг, бува, — деб қўйди
ҳайдовчи норизо оҳанда.

Орқа ўриндиққа ястаниб олган қуюқ сочла-
ри ораста, силлиқ киши илкис сурилиб қари-
яга жой берган бўлди.

— Келинг, отагинам.

Қария жойлаша-жойлаша машинадаги ҳар
уч киши ҳам кулранг "комфляжка" кийимда
эканини пайқади.

"Аскарларим дейман" — ҳаёлидан ўтди
унинг.

— Ота, тортинманг, — деди орқа ўриндиқ-
даги ҳамроҳ узун-қисқа салом-алиқдан сўнг.
— Чалпактепагача, э-хе-е, яна қирқ километр,
йўл нобоп, қулай жойлашиб ўтиринг.

— Раҳмат, улим, раҳмат.

Туман маркази, гавжум кўчалар, серхашам
уйлар ҳаш-паш дегунча ортда қолди. "Ласет-
ти" дала-дашт йўлига қилиб тургандигиз,
бува? — деб сўради ҳайдовчи пешойнадан
қарияга кўз ташлаб.

— Улашингиз, Жобирнингма "Дамас"и кеп
қолармикан деб кутиб тургандим. Шу иккови

Бир сўлим кўланка кўллай лимиллар,
Йўлдан оқиб ётар чўғ бўлиб тупроқ.

Бунда боғ на қилсин,
шаббода сарин?

Кетмон.

Этик.

Яна... гўза қаторлар...

Куёшдан авайлаб қари чинорлар
Бағрига тортади дехқон қизларин.

Бобур тавааллоси

Ишқ аро йўл қани, йўлдош қани,
Қўламоққа қўл қани, қўлдош қани?

Дил лиммо-лим, сир қани, сирдош қани,
Бирман деган бир қани, бирдош қани?

Қонга тўлдим, шеър қани, шеърдош қани,
Қайга борай, ер қани, ердош қани?

Ишқи хорман, гул қани, гулдош қани,
Бошини ёрган ул қани, ул тош қани?

Хокисорман, қон қани, қондош қани,
Бир ўзимман, жон қани, жондош қани?

Манбур навоси

Юракка қуюлди таибур навоси,
Беаёв чўғ солди ўртанган жонга.
Ноламдан титради ҳижрон самоси,
Нетай, сизмайдирман энди жаҳонга.

Сардоба

Кимсасиз дашт аро сардоба юпун
Ёлғиз, бир етимдек сокин турибди.
Сув чўккан, руҳ чўккан, қаровсиз, беун,
Қартайган тошлар минг ҳаёл сурибди.

Замонлар кафтида қуламай, мангу
Дўппидай турибди қадимий гўмбаз.
Сукунат юракка ташлайди гулув,
Қоронғи чоғига тикилсанг бирпас.

Сардоба — сув эмас, энди йиққан ғам,
Аччиқ тақдирдан толади ҳаёл.
Менга худди мендай термулар у ҳам,
Вақтни қаритган бу саҳройи чол...

Мўлқин

(Қора денгизда)

Қайсар тўлқин тишим билмайди:
Эрк истаб қояга ташланар.
Урилару харсанг тошларга
Чекинади, яна ғашланар.

Парчаланиб кетади тўлқин,
Ғажинглайди энди тулпордай.
Яна санчир, силкитиб ёлин,
Қояларда алами бордай.

Охир оқёл аждарҳо каби
Ўшқиради тоқатлари тоқ.
Сўнг тинчийди, нима ҳам қилсин,
Ер-ку қаттиқ,
Осмон ҳам узоқ!

Шамол

Тонг чоғи боғим аро ўйнар шамол,
Ранг-баранг гул бўйидан қувнар шамол.

Ул, эҳтимол, омадим, бахтим билур,
Олам кезиб, кўрганларин сўйлар шамол.

Эркалайди сочларимни тортқилаб,
Менга ҳам бир яхшилик ўйлар шамол.

Соғинганим, зорлигим билдимикан,
Мен сари ёрим бўйин бўйлар шамол.

Дам-бадам кўнглим учун теграмда ул
Ҳол сўраб, минг ўргулиб қуйлар шамол.

Дил яйратиб нозанин қизлар мисол
Мен Низомийга таъзим айлар шамол.

Сухбат

Бахтим қайда дедим, меҳнатда дединг,
Тахтим қайда дедим, заҳматда дединг,
Югурдим ва елдим, роса саксон йил
Нақдим қайда дедим, ҳурматда дединг.

Бедорлик

Кўнгул тўниб қолса, сен дарёга боқ,
Ўзалигинг йўқотсанг, сен дунёга боқ.
Мозорни тавоф эт, бозорни айлан,
Ғафлатда қолмагин, бўл белор, уйғоқ!

Меҳр

Иккаласи узоқ-узоқ жим
Бир-бирига ҳўп термулади.
Бу бир дoston, қай тилдалигин
Ўз бошидан ўтган билади.

Маъмура ЗОҲИДОВА

УМИД БИЛАН ЯШАЙМАН

Ватан

Эл нима, недир Ватан,
Зўру зарим йўқ менинг.
Кўнглимдаги меҳримдан
Кўнглим буткул тўқ менинг.

Элим у туғилгандан
Қўлларидан турганим.
Атак-чечак қилгандан,
Изларидан юрганим.

Кўёшдек кафт куйдириб,
Этакка тушган қулчам.
Оқизоқ жылга томон
Сўқмоғим, митти йўлчам.

Тенглар билан тортишган
Тупроқ кўчмасан, Ватан.
Илк севгисан, илк армон,
Висол гўшамсан, Ватан.

Тўрт қадам кетсам йироқ,
Узилган кипригимсан.
Говасойнинг устида
Кўз тутган кўпригимсан.

Бағрингда мен боламга,
Умид билан яшайман.
Сен ўхшайсан онамга,
Мен ўзингга ўхшайман.

Болажон

Кексариб бормоқда бу олам,
Кун сайин тоғлидир танда жон.
Беғубор кўзингга боққан дам,
Мен сени қутлайман, болажон.

Бу умр китобин варақлаб,
Кўздан нур кетадир чарақлаб,
Теграмдан ахтариб, сўроқлаб,
Мен сени қутлайман, болажон.

Ҳали кўп байрамнинг, тўйларинг,
Чинордай бўлади бўйларинг,
Доим равшан бўлсин ўйларинг,
Мен сени қутлайман, болажон.

Сен ҳали ўтарсан ҳаммадан,
Муборак хур ҳаёт, гул чаман,
Ардоқлаб суялур шу Ватан,
Мен сени қутлайман, болажон.

ИЗДОШ БЎЛАЙЛИК

Севиб Ватан дала,тоғини,
Гуллатайлик чаман, боғини,
Илм-ла безаб ёшлик чоғини,
Улуғларга издош бўлайлик.

Ҳар сония олтидан қиммат,
Ночорларга қилайлик ҳиммат,

Тинчлигимиз энг олий неъмат,
Аждоларга издош бўлайлик.

Кимлигимиз танисин дунё,
Ҳавас қилсин бутун Осиё,
Қўллаб турсин Навоий бобо,
Улуғларга издош бўлайлик.

Ойдин ТОШҚУВВАТОВА

Ён ҳамроҳ узун бир ҳомуза тортиб олган:
— Шўрсойда ишлаётган геологларни
кўрганмисиз, — деди.

— Анови буровийчиларни айтаяписизми? Ер
ковлагичларни? Ҳа, кўрганман.

— Мен ўшаларнинг бошлиғи бўламан. Ишга
кетялман.

Қария беихтиёр унинг қўлидан ушлади.

— Сизни менга Худо етказди, улим. Худди
сиз керак эдингиз менга?

— Ия, нега?! Тинчликми? — деди ён ҳамроҳ
чинакамига ажабланиб.

Ҳайдовчи ҳам пешойнадан қизиқсиниб
қараб қўйди.

— Ҳа, сиз керак эдингиз, — деди қария
қувончдан кўзлари порлаб.

— Хизмат борми?

— Ҳа. Бизнинг қишлоққа қудуқ қовлатиб бе-
ринг, илтимос.

— Ия, гапингиз қизиқ бўлди-ю, ҳозиргина
идорага кириб чиқдим, ҳоким муаммони ҳал
қилиб беради, деб айтдингиз-ку?

Қария худди ичи оғриётгандай юзларини бу-
риштирди.

— Туврасини айтайми сизга?

— Туврасини айтинг.

— Боя, — деди қария минг бир хижолат ичи-
да, — сал-пал ўтирик сургандим.

— Ўтирик?! Ўтирик сургандим?! Нима дега-
нингиз бу?

— Ёлгон гапиргандим демоқчилар, — изоҳ
берган бўлди ҳайдовчи.

Ён ҳамроҳ илжайди.

— Ҳа-а, шунақами ҳали...жа-а...қув кўрина-
сиз-а, отахон.

— Шундай бўп қолди-да, улим. Гапинг тув-
раси, ҳокимликнинг иморатини кўрган пайтим
тиззам қалтираб кетди. Ахир бу ерда чакана
одамлар ўтирмайди-да, туврама?

— Тувра.

— Шўйитиб, ана кейин...ўйладим, ҳоким дав-
латнинг одами, зарил-зарил ишлари кўп, биз-
дайчакинлар билан шуғулланишга вақтиям,
хафсаласи ҳам йўқ, майда-чуйда илтимос би-
лан у кишининг бошини қотирмайлик деб...а-
на кейин...ешиқнинг олдида туриб-туриб изим-
га кайтдим.

— Ия, ғалати-ю, отахон, ҳамқишлоқларнинг
илтимоси нима бўлди, ҳали ўзингиз айтган-
дай, ишонч масаласи нима бўлди?

— Гапни охиригача эшитинг, улим...ана
кейин...қишлоққа бориб, ҳокимга учрашдим,
шанба куни кел, маблағ бераман, шу пулга
қудуқ қаздириб оласизлар, деб айтди дейман.

— Нега айнан шанба куни? — сўради ён
ҳамроҳ тобора қизиқиши ортиб.

— Ана кейин...шанба куни беш-олти қўй ҳай-
даб бозорга тушаман, сотаман, пулини овул-
га олиб бораман, мана, ҳоким сўзида турди,
маблағ бериб юборди, дейман, буровийчилар
билан гаплашиб, шу пулга қудуқ қовлатамиз,
деб маслаҳат соламан.

Пешойнадан қараб-қараб қўяётган ҳайдов-
чи таажжубланиб сўради:

— Ўзингизнинг ҳисобингиздан қудуқ қовлат-
моқчимисиз?

— Ҳа, энди-и, улим, мол кетса, кетар,
лекин одамларнинг ишончи ўлмасин, уйдан
шу ишни бўйинга олиб чиққанман, ўртада
лафз бор, харажат қиламан-да. Бошланиши-
га шу пул етар, қолганига ҳам Худо пошшо.

— Харажати сиз қиласиз, югур-югур ҳам
сизнинг бўйингизда, иззат-обрў ҳокимга
экан-да, — деди ён ҳамроҳ қарияга синовчан
кўз ташлаб.

— Ҳа, энди-и, — деб жилмайди қария, — у
киши ҳам шу эл учун қуйиб-пишиб юрибди,
қайишганимиз маъқул-да.

— Сиз жа-а ғалати фикрлар экансиз, ота-
хон.

— Улим, — қария яна ён ҳамроҳнинг қўлини
кафтига олди, — илтимос, ёрдам беринг, ха-
ражатга тайёрман, айтганингизни бераман,
юзимни ёруғ қилинг.

Ён ҳамроҳ яйраб қулди.

— Отахон, сизнинг юзингиз ҳамisha ёруғ.
Сиз ўтирик сурганингиз йўқ. Сиз чиндан ҳам
ҳокимга учрашдингиз, илтимосни етказдин-
гиз.

— Йўғ-а, қайтиб?

— Ана, — ён ҳамроҳ олд ўриндиқда ўтириб,
гўё дала-даштни кузатиб кетаётган хумкалла,
қоп-қора кишига ишора қилди, — сиз айтган
оппоқ, келишган ҳоким шу ерда...

Ҳайдовчи баралла қулиб юборди.

Ҳоким ҳам мийиғида илжайиб ортга ўги-
рилди.

— Нега куласанлар? Отахон ўтирик сурмай-
ди, кўнгли оппоқ, нияти тоза одамлар булар,
шунинг учун кўзларига ҳамма оппоқ, келиш-
ган кўринади.

Машина салони яна қаҳ-қаҳалардан ларза-
га келди.

— Эй, сен, майнавоз, — деди ҳоким ҳай-
довчига юзланиб, — тувра Жалпоқтошга
ҳайда. Отахон ҳокимни ҳам, қудуқ қавлов-
чини ҳам олдига солиб келганини ҳамма
қўриб қўйсин.

ЛУҚМОН БҲРИХОН



Ҳикоя

Ён ҳамроҳ пиқиллаб қулиб юборди. Ҳайдов-
чи ҳам илжайган қўйи пешойнадан қараб
қўйди.

— Эй, — деб пўнгиллади хумкалла, — гий-
бат қилишга ҳокимдан бошқа одам қуриб қо-
лганми санларга.

Қария, булар сўзларимга ишонмади, деган
хаёлда шоша-пиша айтганларини исботлаш-
га киришди.

— Чин, яхши одам экан. Мени қулиб қутиб
олди, чой қуйиб берди.

— Хатто, чой ҳам қуйиб бердим, — ён

ниб, ишни дўндириб қайтаяписиз-да.

Қария кафтлари билан юзини силаган бўлиб
кўзини яширди.

— Ҳа, энди...қўлдан келганича...

Машина сап-сарик, тап-тақир дашт қўйни-
да узалиб кетган, эгри-бугри, паст-баланд йўл
бўйлаб оҳиста елиб борарди. Ур-калтақдан
шишиб кетган бадандай қир-тепаликлар би-
рин-кетин ортда қола бошлади.

— Узр, улим, — деди ён ҳамроҳига юзланиб
қария, — сизларга йўл бўлсин? Чўпонларнинг
отарига борасизларма?

Кутубхонадаги қоғозларни тартибга солаётиб, эски газета-журналлар ичидан сарғайиб кетган, машинкада кўчирилган варақларни топиб олдим. Бу Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, раҳматли Абдулла Орипов ва Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнбергларнинг қаламига мансуб, рус тилида битилган "Путь истинный" сарлавҳали мақола эди.

Мақолани ўқиб, Президентимизнинг Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиши маросимида сўзлаган нутқидаги: «Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак. Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, унб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур», деган фикрларига ҳамоҳанг мулоҳазаларни ҳис этдим.

Жаҳон мумтоз мусиқаси ихлосмандлари Шахрисабзда бўлиб ўтган Халқаро мақом санъати анжуманининг бой таассуротлари билан яшаётган шу кунларда мазкур мақолани таржима қилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этишни лозим топдим.

Мақом. Тоғлар ўрқачидан кўтарилаётган кўш доирасининг гардиши. Қоялардан шариллаб тушаётган шаршаралар товушининг баян авжлари билан биллур бўлоқларнинг жилдираган ёқимли кўшиқлари. Чуқур қудуқлар, қадимий замин орагидидаги теран томирлардан тошиб чиқаётган тиник ва тоза оқимлар. Тинимсиз чалиниб турадиган абадий мусиқа, халқнинг умрбоқий, барҳайт руҳи.

Хоразм. Қумгонни тиник сувга тўлдирган болакай. У энгашиб, қўлидаги қумгондан меҳмоннинг ҳовучига сув қуймоқда.

Мақомлар. Уларда ҳаётдаги барча оҳанг муҳассас. Субҳидамада арқони чувалтирилиб, қудуққа ташланган чалақнинг сувга тегиб шалоплаши, оташда қип-қизил чўққа айланган пўлат парчаси устига бир маромда урилаётган темирчи болгасининг усул-товуши, шириллатиб бўғдой ўраётган чалик кўшиғи... Мақом мусиқаларида тирикликнинг барча иш-ҳаракат товушлари янграб туради.

14 ёшдан буён унинг ҳамроҳи фақат мусиқа, мусиқа, мусиқа. Бўлоқларнинг тиник суви каби тоза ўша оҳангларга ошурталлик. Қумгондан меҳмоннинг қўлига сув қўётган ўша болакай энди Бухоро мусиқа билим юртининг ўқувчиси. Унинг устози — ярим италян, ярим украин Лев Коваль. Устоз ўта қаттиққўл, бироқ ҳақиқатпарвар. У тошкентлик. Мақом асосларини ўрганиш ва ёшларга мусикадан таълим бериш учун Бухорога келган. Ўзбек мусиқа санъатининг ашаддий ихлосманди бўлган бу киши истеъдодли назариётчи, жаҳон мусиқасининг билимдони эди. У қобилятли шогирдини момик пахтага ўраб авайламайди, аксинча, типратикан қўлқонда қаттиқ тутиб тарбиялайди. Хўш, ўша шогирд ким? Отаназар Матёкубов-да. Унинг ҳам устозига бўлган меҳри кам эмас. Агарда баҳорги имтиҳон мавсумида Бетховеннинг 32 сонатасидан атиги биттагинисини билмай қолса ҳам унинг имтиҳон топширгани ҳисобга олинмайд.

— Кўзда қайтадан топирасан, — дейди унга меҳрибон устози.

Отаназар ҳам баҳордан кузгача тайёрланиб, имтиҳонни қайта топиради. Ў устозини фақат ўзбек мусиқасини чуқур билгани учун эмас, ўз шогирдларининг уйда уюштирилган кузги томир-сувоқ хашарларида лой кечиб ишлагани

ни, кўпинча ойлик маошини санаб ҳам ўтирмадан зарур пайтда эҳтиёманд шогирдларига беминнат бериб юборгани учун ҳам яхши кўради. У Отаназар учун жуда азиз инсон эди. Талабчан, қаттиққўл ва ҳақиқатпарвар устозидан чин кўнгилдан миннатдор эди. Бундай туйғулар ҳаммага ҳам насиб этавермайд.

Шашмақом — ҳақиқат йўли. У ҳар қандай мумтоз мусикадан юксак. Осмондаги камалак етти рангда нур таратиб ёнганидек, Шашмақом бизга

**Абдулла ОРИПОВ,
Александр ФАЙНБЕРГ**

АСЛИЯТ ЙЎЛИ

олти хил мусиқий мўъжизани ҳада этади — Рост, Бузруг, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ. Камалақнинг ҳар толеси бир рангда товланса, олти мақомнинг ҳар бири ўз ичига яна турли мусиқаларни қамраб олади.

Таътил пайтида устози Отаназарни кутубхонанинг мутолаахонасига бошлайди. "Ўқи, — дейди устоз. — Ўқи." Мусиқа назариясини ўрганиш Отаназар Матёкубов ҳаётининг мазмунига айланади. Ҳаётда ҳар ким ҳам ягона мақсад сари собитлик билан интилавермайди. Бунинг учун ҳаётда ҳар қадамда дуч келаверадиган, инсонни тўғри йўлдан адаштирадиган турли-туман хою ҳавасларга берилмаслик, бедор қалб соҳиб бўлмоқ даркор.

Борлигида, руҳиятида мусиқа яшаётган инсон нақадар бахтиёр. Мақом оҳанглари тингланганида у ҳар кунни янги, яна янги, яна янги оламларини кашф этади. Бу — табиий. Инсон улғайган боргани, маънавияти юксалгани сайин мақомлар унга ўз тароналарининг ҳали кўз кўриб, қулоқ эшитмаган сирларини оча бошлайди. Ҳар бир янги авлод мақомларда ўз юраги ва туйғуларига ҳамоҳанг мусиқаларни топади. Шунинг учун ҳам Шашмақом ер, осмон, юлдузлар, бутун коинот сингари боқийдир.

Яна бир гап. Отаназар отасининг ўзбекча, устозининг русча сўзлашишганини, иккиси бир-бирини жуда яхши тушунишганини эслайди. Иккиси ҳам бутун умрини мусиқага бахшида этган, уларнинг тақдир, тили ва дилини му-

сика, мақом бирлаштирган эди. Хикоямиз қаҳрамони Отаназарнинг отаси — Матёкуб Худо берган ҳофиз эди. Илоҳий Шашмақом ўзбекининг ҳам, ярим италян, ярим украин инсоннинг ҳам қониди бирдек янгради. Шунинг учун ҳам Шашмақом Шашмақом-да.

Отаназар Матёкубов, миллий мусиқага эътиқоднинг учун отанга минг раҳмат. Ҳозир Ўзбекистон давлат консерваториясининг профессорисан. Энди ёшларнинг устозисан. Шу ўринда бир ҳикматни таъкидлашни истардик:

"Устоз, шогирдларингизни шундай тарбиялангки, токи келажақда фарзандларимиз қимдандир таълим олиши мумкин бўлсин".

Азалдан янграган, бугун ҳам янграётган, келажақда ҳам янграйдиган буюк мусиқий обидани яратган ўзбек халқи-га таъзим қиламиз.

Ватанингга содиқ фарзанд бўлганинг, истеъдодинг ва мусиқага ҳамоҳанг ураётган юрагинг учун сенга яна бир бор ташаккур, Отаназар.

Ким нима деганда ҳам, бадий ижод у хоҳ мусиқа, хоҳ шеърят, хоҳ ранг-тасвир бўлсин, агар у чинакам бўлса, халқнинг боқий руҳига айлангайди.

Сенинг "Мақомот" номли китобинг ҳақида гапирмасликнинг илоҳи йўқ. У шунчаки илмий тадқиқот эмас. Саҳифаларни ўқийтгандек бўласиз, аммо беихтиёр машҳур мақом ижрочиларининг овозларини эшитасиз. Уларнинг ҳар бири ўзгача янграйди. Фарғона ва Тошкент йўлидаги довлонлар оша ўзгача, Бухоронинг осмонлар миноралари узра ўзгача, Хоразм обидаларию белоён кенгликлар аро ўзгача авжга чиқади. Мақомот мана шуларнинг ҳаммаси жамулжам бўлган ҳолда буюк бир маънавий ҳазина эрур.

Одамзоднинг хом сут эмган банди экани туфайли ҳар бир истеъдод эгасига ҳасад қилувчиларнинг ҳам адоғи йўқ. Улардан нафратланган кўчили. Аммо ҳасадгўйлар ўз хатти-ҳаракатлари, қарама-қаршиликлари билан ҳақиқий ихлодкор қанотларининг юкса-

лиш кучини тобора ошираётганларини мутлақо билмайдилар. "Додекаграмма" номли китоб ана шундай ҳодисанинг самарасидир. Ушбу нашр Отаназарнинг композиция ва адабий ечимга бетақдор ҳамда ноанъанавий ёндашуви билан алоҳида ажралиб туради. "Менинг Ватаним ва менинг замонам мусиқаси ва мусиқачилари хусусидаги чизгиларимнинг ранглари" сарлавҳаси бежиз танбурнинг тори сингари жарангламайди.

Ушбу китоб саҳифалари аро нафақат буюк бастакор Мутал Бурҳоновнинг нурли сиймоси жонланади, балки Мустафо Бафоев, Адиба Шарипова, Муюсар Раззокова каби Ўзбекистон мусиқа санъати арбобларининг ҳам қиёфалари гавдаланиб, нигоҳлари ўқувчиларга боқиб туради. Миллий мусиқамиз даргаларининг барчасининг номларини санаб, охирига етиш қийин. Бу китоб сероҳанг, сермаъно ва кучли аккордга эга. Унда фақат мусиқа ҳақида сўз юритилмасдан, тақдир тақозоси билан яқин ва олис чет эллардан бизнинг юртимизга келиб яшаган, она диёримизнинг туپроғи, миллатимизнинг маданияти ва урф-одатларини чин юракдан севиб қолган ҳамда ўз ҳаётида уларга амал қилган буюк ижодкорлар, Ўзбекистон маданиятининг жаҳонга донғи кетган намояндалари ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам хикоя қилинади.

"Додекаграмма"нинг чиройли муқовасида Япониянинг "Ямаха" фирмасида ишлаб чиқарилган роль билан куйлари оркестр ва эстрада саҳналарида ҳамиша баралла янграб турадиган миллий чолгу асбобимиз — танбур бекорга ёнма-ён тасвирланмаган. Бу чолгу Ўзбекистоннинг яшилликка бурканган барча гўшаларида оҳанрабо товуши билан юракларни сел қилиб келмоқда.

Бу ғаройиб китоб ҳали мусиқашунос ва адабиётшунослар томонидан муносив баҳоланмаган. Бироқ у китобхонларнинг юрагини забт этиб улгурган. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ.

"Сен оған, оёқларингнинг изи шундоққина билиниб турган йўлда бошқалар қадамба-қадам юриб, сенга эргашадилар", деб ёзган эди Борис Пастернак. Истеъдодларнинг ижодий фаолияти формуласи шундай. Ижодкорларнинг истеъдоди худди шундай намоён бўлади, Отаназар. Атлантика ва Тинч океанининг турли соҳилларидаги ўнлаб университетларда одамлар сенинг ўзбек мусиқа санъати мавзусидаги матрузаларингни диққат билан тинглашаётганида ҳам бу ҳолат намоён бўлган.

Мақомларни тингланганинг сари келажакка ишончнинг ортади. Келажак авлоднинг ўғлонлари ва қизалоқлари кўлларига тоза буюк сувиға тўла қумгонлар бўлишига ишонсан. Уларнинг қумгонларидан таралган бетақдор оҳанглар авжга чиқиб, осмонга этади. Осмон эса фарзандларимизнинг бошига энгашади.

**Рус тилидан Р.МУСУРМОНОВ
таржимаси.**



Мўъжизавий санъат қудрати

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шахрисабз шаҳри ҳокимияти вакили **Ҳайдар БЕРДИЕВ**нинг сўзларини бутун Қашқадарё элининг фикри деб қабул қилиш мумкин:

— Барча шахрисабзликлар, вилоятимиз аҳли, бошқа худудлар аҳолиси номидан айтишим мумкинки, биз айнан қадимий ва навқирон шахримиз улкан умумжаҳон форуми ўтказилиши учун танланганидан хурсандмиз. Бу мақом ижроси бўйича маҳоратларини намойиш этган дунё мамлакатлари санъаткорларининг ҳам, тарихий-мусиқий меросни асраб-авайлаб келаётганларнинг ҳам эътирофидир. Биринчи форум муваффақиятли ўтди. Демак, бу иш яна давом этади. Чунки бошланган хайрли ишнинг охири бўлмайди, яхшилик абадиятга қўйилган қадамдир.

Беларуслик продюсер **Сергей ЖДАНОВИЧ** форумнинг деярли барча тадбирларида қатнашди. Биз билан суҳбатда у ўз ҳис-ҳаяжонини яшира олмади:

— Мен жуда кўп фестивал ва танловларнинг гувоҳи бўлганман. Лекин бундай бағрикенгликни, меҳмондўстликни, ниҳоятда истеъдодли халқни биринчи кўришим. Ушбу форум нафақат мен, балки барча қатнашчилар кутганидан-да, зиёда ўтди. Ҳайрат аъзоларига тасаннос мақомдек тарихий санъат турининг



энг маҳоратли усталари таклиф этилган. Айнан шу биринчи форум тадбир истиқболига пойдевор қўйди.

Шахрисабз ҳақидаги машҳур қўшиқ фақат менинг болалигим қўшиғи бўлмай, балки биз бугун биринчи марта кўриб турган мамлакатни, унинг одамларини, шаҳарни эслатиб турувчи асардир. Бу ерда барча қўрғанлар ва эшитганларим келгусидаги профессионал амалиётимда ўз аксини топади. Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темури ватани дунё санъатининг барча турлари намоёндаларини лол қолдириб келган ва бугун ҳам шундай. Бу буюк шахс даврида, ундан сўнг ва бугунги кунда юртингизда амалга оширилаётган ишлар жаҳон аҳлини ҳайратлантиряпти.

Танловда "Сақил" (Тошкент) ансамбли билан бирга биринчи ўринга сазовор бўлган Озарбайжонда хизмат кўрсатган артист Соҳиб Пошшоёвда раҳбарлигидаги "Мақом" ансамблининг

ижро маҳорати нафақат Шахрисабз форуми қатнашчилари ва томошабинлари, балки пойтахтимиз мусиқа шинавандаларига ҳам заъқ бағишлади. "Туркистон" саройи ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг томошабинлар билан тўла залларида ўтган концерт дастурлари бунинг яққол далилидир. "Мақом" ансамбли раҳбари **Соҳиб ПОШШОЗОДА** таассуротлари ҳақида шундай деди:

— Ўзбекистонни жуда яхши кўраман.

Кўп миллатларни бағрига сиғдириб, дўстона муносабатлар оғушида яшаётган бу мамлакат одамлари самимийлиги, меҳмондўстлиги, бағрикенглиги билан мени ҳайратга солади. Ўтган йилги "Шарқ тароналари" фестивалида Гран-прини қўлга киритганимдаги ҳаяжонларим ҳали ёдимдан кўтарилимай туриб, Мақом фестивалида ансамблимизнинг биринчи ўринни эгаллаганидаги бахтиёрлигимни тасаввур қилолмайсиз.

Ўзбек томошабинлари билан илгаридан танишман. "Шарқ тароналари"дан ташқари, шу йил май ойида Камолитдин Ўринбоев раҳбарлигидаги Ёшлар симфоник оркестри билан биргаликда концерт бергандим. Мақом форумидан кейин берган иккита концертимизни ташкил этишда кўмаклашган Ўзбекистондаги Озарбайжон элчихонасига ва Ҳайдар Алиев номидаги

„ҒАМЗАСИН СЕВДИНГ КЎНГУЛ“ГАЧА...

Газетанинг шу йил 6 июль сониди Ўзбекистон халқ ҳофизы Бекназар Дўстмуродовнинг шу сарлавҳа билан берилган хотираси қўлимга қалам тутқазди. Чунки бу қўшиқнинг айнан қандай яралганидан хабарим бор эди.

1973 йил. Бош муҳарриримиз Учкун ака Ашрапов "Нуриддин, Маданий оқартув техникуми (ҳозирги Тошкент маданият коллежи)да ўқитувчилар ансамбли бор экан, ёзиб олмайсизми? Ҳар пайшанба машқ кунлари экан", деди. Мен рози бўлдим.

Пайшанба кунни бордим. Раҳматжон Турсунов раҳбарлигида йигирма нафардан зиёд ўқитувчилар соз чалиб, ашула айтишарди. У кишига мақсадини айтдим. Басма-бас асарларни ижро қилдириб берди. "Янгилик йўқми?" дегандим, "Бор, Ғанижон Ваҳобовга янги қўшиқ басталаб берганман", дедилар. Солиҳон Маматов чиройли куйда ижро қилган Уйғун газали билан "Мубтало бўлсам керак" ашуласи бошқа куйга солинибди (яхши қўшиққа айланган шеър ёки газалини бошқа куйда ижро қилдирмасликка ҳаракат қилардим). "Раҳматжон ака, бу газалини техникумни битириб кетган шогирдингиз, олтиариқлик Солиҳон Маматов чиройли айтиб қўйган-ку", десам, "Мен бастакорман, хоҳлаган шеърни куйга солишга ҳаққим бор", деб

жавоб берди. "Бастакорсиз, ҳаққингиз бор, — дедим. — Лекин бу газал куйда гапирмапти. Бирор классик шоирнинг газалини солинг, узукка кўз қўйгандек бўлади".

Орадан бир неча ой ўтиб Раҳматжон ака соғликларини мустаҳкамлаш учун Семашко номидаги сикатгоҳга боради. Қашқадарёдан ноёб овоз соҳиб Тожиддин Муродов ҳам дам олгани келган экан. Икки ҳамюртнинг даволаётганини эшитиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов кўргани келибди. Суҳбат давомида Раҳматжон ака: "Абдуллажон, Уйғун домланинг "Мубтало бўлсам керак" газалига қўй басталаб ашула қилган эдим, радиодаги Нуриддин Аминжонов бу куй газалини очолмабди, классик шоирлардан матн қўйсангиз яхши бўлади", деб ёзиб олмади. Шунга бирор мумтоз шоирларимиздан газал танлаб беринг", деб илтимос қилибди. Абдулла ақанинг ёнларида кичик ҳаждада чоп этилган Фузулийнинг тўплами бор экан. "Неча бўгинли бўлсин" деса, Раҳматжон ака: "Ўн беш бўгинли" дебди. Абдулла ака китоб орасидан "Ғамзасин севдинг кўнгул, жонинг керакмасму сенга" деган мисрани ўқиган экан, Раҳматжон ака қўшилиб хиргойи қила бошлабди, уларга Тожиддин ака ҳам қўши-

либди. Ғазалнинг қудратини қарангки, сўзлар куйга қолигга тушгандай тушиб турганмиш. Тожиддин ака шу куннинг ўзида ашулани ёдлаб олибди. Дам олишлари тугагач, Тилаш Хўжамбердиев раҳбарлигидаги создаларга ансамбли жўрлигида қўшиқни оҳанрабо тасмаларга ёздирди. Бадий кенгаш аъзолари яхши оҳанг билан Раҳматжон акани қутлаб, Тожиддин акани бетақдор ижро билан табрикладилар. Менинг инжиқлигим, қўшиқларга нисбатан талабчанлигим, устоз Абдулла ақанинг газал танлашдаги кўмаги ўзбек халқи кўнглига Тожиддин Муродовдай хонандани жойлади, ашулага боқий умр бахш этди. Мумтоз қўшиқларимиз сафини яна бир гўзал мумтоз ашула билан бойитди. Бу ашула ҳануз ёшлар талқинида янгиланиб, мавқеи ошса ошаптики, асло қамайгани йўқ.

Ҳа, "Ғамзасин севдинг..." Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хонанда Тожиддин Муродов, бастакор Раҳматжон Турсунов, мавлоно Фузулий номини асрлардан асрларга олиб ўтади.

**Нуриддин АМИНЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими**

“ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ”

Ўзбекистон тарихи давлат музейида ҳозирги кунда ибтидоий, антик ва ўрта асрлар давра-ларига тааллуқли уч юз ўттизга яқин коллекция мавжуд. Улар таркибида етмиш мингга яқин турли предметлар бор. Музей фондидаги экспонатларда Ўзбекистонда қадимий давлатчиликнинг ташкил топиши, халқларнинг маданий ва савдо-иқтисодий алоқалари ўз аксини топган. Айниқса, юз мингта тангани жамлаган нумизматика бўлими диққатни тартади. Маз-

кур бўлим тангаларнинг хилма-хилиги жиҳатидан Марказий Осиё худудидаги музейлар жамланмалари орасида биринчи ўринда туради. Хуллас, музей хилма-хил тарихий экспонатларга бойлиги билан эътиборга молик. "Ўзбекистон маданияти ёдгор-ликлари" номи билан чоп этилган китоб-альбомга мана шундай қимматли дурдоналар жамланган. Мазкур нашр "Тош даврида Ўзе-

кистон ҳудуди", "Бронза даврида Ўзбекистон ҳудуди", "Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши", "V —

VIII асрларда Ўзбекистон ҳудудида давлатларнинг ташкил топиши", "IX — XII асрларда фан ва маданиятнинг ривожланиши", "Амир Темури ва темурийлар даврида Уйғонини", "XVI — XIX асрларда Ўзбекистон" каби қисмлардан иборат. Ҳар бир қисмда маъ-

лум даврнинг асосий воқеалари баён қилинган, тарихий маълумотлар берилган.

Китоб-альбомда 390 та рақамни ўз ичига олган каталогдан иборат мустақил қисм ҳам берилган. Уларнинг ҳар бири остида бир хил ёки ҳажм ва шакл жиҳатидан фарқланувчи предметлар сурати берилган.

Мазкур нашрнинг ўзбек, инглиз, хитой тилларида тайёрлангани ундан фойдаланувчилар доирасини кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Лариса ЛЕВТЕЕВА,
тарих фанлари номзоиди**



"Ёр барибир айланаверади" спектакли ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, журналнинг мазкур сонидан ўрин олган "Театр мавсуми яку-ларини" (М.Тўлаҳўжаева), "Талаба ёшлар иходиёти — 2018" (Т.Баяндиев), "Юлдузли тунларнинг кеча ва бугуни" (Ш.Абдурашулов), "Замон — қаҳрамон" (Ш.Бобомуродов), "Отaxon театрда ёшлар ижоди" (У.Иброҳимов) каби мақола-лар ҳам ўз ўқувчисини топади. Айниқса, Қорақалпоқ давлат кўчирқоч театри-га бағишланган саҳифалар ва рангли суратлар журнал мундарижасини бойитган.

"ТЕАТР" 2018 йил 4-сон

**Флора ФАХРУДИНОВА
тайёрлади.**

Хиндистонда Шожмаҳаллар кўн...

Бошланиши биринчи саҳифада.

Хиндистоннинг миллий музейи ва миллий архиви Делҳи шаҳрида жойлашган экан. Шаҳар томон борарканмиз, йўл кўрсаткичларидаги ёзувларга кўзим тушиб ажабланим. Биз Делҳи деб ўрганганимиз сўзи Делҳи шаклида ёзилган эди. Аввалига ёзувда хато кетган шекилли деган мулоҳазага бордим. Йўқ, қарасам, ҳамма жойда шунақа ёзилган. Кейин сўраб билсам, ҳинд лафзида бу шаҳар номи аслида Делҳи экан, бу дил шаҳри, муҳаббат шаҳри деган маънони англатаркан.

Делҳи миллий музейи... Музей мозий сўздан олинган эмасмикин деб қўяман баҳсда. Музей заллари бўйлаб кезарканмиз, бир нарсадан завқим келади. Биз учун галленинг ҳолати йўқ, Зокиржон ака ҳақиқий хиндшўнос бўлиб кетган экан. У бизни сира эрктирмайди. Музейдаги ҳар бир экспонат, айниқса, у теурий, ё бо-бурийларга оид бўлса шундай таърифлаб кетадики, қўйверасиз. Ҳақиқий юртлар-вар, миллатпарварлик бундан ортқ бўлмаса керак. Яна бир нарс: Тошкентдан неча минг қақирим нарида, Ватандан олмасда сента, сенинг аждодларингга тегишли буюмлар, асҳа-анжомларни кўриб туриш, бу устига улар қанчалар эҳтиром ва эҳтиёт ила сақланаётганига гувоҳ бўлиш нақадар мароқли экани, ки-шига қанчалар фахру гурур бағишлашини сўз билан ифодалашим қийин...

Хиндистон Миллий музейининг қадимий қўлэмалар экспозицияси... У жуда бўлиб, қувонарли жиҳати бобурийлар дав-рига оид ашёлар бу бўлимда салмоқли ўрин тутар экан. Биз бу ерда Акбаршоҳ топши-риғи билан Абдурахим Хонухонон томо-нидан туркийдан форсчага ўғирланган "Бо-бурнома"ни кўрдик. Қурьони харининг Шоҳжаҳон томонидан кўчирилган нусха-си ҳам сақланаётган эканки, у хаттотлик санъатининг энг нодир намунаси сифати-да бизни ҳайратта солди. Хиндистон Мил-лий музейи ва архивдаги Бобур Мирзо, Ҳумоюн Мирзо, Акбар Мирзолар ҳақида ҳикоя қилувчи "Икболномаи Жаҳонгир-ий", Бобур ҳазратлари билан бирга ҳинд улканига келган, Ҳумоюн даврида ҳам яша-ган шоир Ҳаким Қандаҳорийнинг "Тули рангинг", Бобур Мирзо "Девон"и, Ҳами-дабону томонидан ёздирилган "Баёз"лар чин маънода улкан хазинадир. Бу каби ки-тобларнинг катта эътибор билан сақлана-ётганини кўриб қувончимизни яширмадик. Музей ходимлари ҳинд халқининг бобу-рийлар сулоласига эҳтироми юксак экан-лигини алоҳида таъкидлашди. Бир неча кун-гина муқаддам, яъни 7-8 август кунлари биз бунинг ҳаётий исботини кўргандик. Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти" халқаро миксда ўрга-ниш ва тарғиб қилинишиг донлар маъ-саладари" маъсулидаги халқаро конферен-цияда иштирок этган хиндистонлик профес-сор Азизиддин Хусайн Заҳириддин Мухам-мад Бобурнинг девони нашр этилгани ха-барини етказган эди. Шундан ҳам англа-шиладики, бобурийларга оид барча илмий, ижодий мерослар бу дёирнинг барча ну-фузли кутубхона ва музейларида сақлана-ди. Қувончли томони, улар ҳам бу улуг су-лолани чуқур ўрганишини ўз вазифалари, ватанпарварлик бурчлари ҳисоблашади.

Биз ноёб қўлэмалар нусхаларини қўлга киритиш мақсадида Рампур шаҳрида ҳам бўлдик. Бу ерда нафақат Хиндистонда бал-ки, бутун дунёда доврети кетган Рампур Разо деган кутубхона бор. Мазкур кутуб-хона XVIII асрда бунёд этилган. Кутубхо-нада улуг сўз салафларидан мерос ду-роналари ҳамда бобурийлар тарихига оид жуда кўп китоблар бор. Улар орасида "Бобур-нома"нинг ноёб қўлэмаси борлиги ки-тоблар уйининг қандай нуфузга эга экан-лигини англатади. Эсимда бор, бундан бир неча йиллар муқаддам Азизиддин Хусайн Разо кутубхонаси хазинаси ҳақида шундай мазмунда сўз юртган эди: "Бобур ле-вон"нинг қўлэмаси нусхаси кутубхонами-здаги энг ноёб ва қадрли манбалардандир. Бу асар бизга Бобурнинг буюк қилбидан — ҳар доим эътилоҳи ишоний яшгани-дан сабоқ беради."

Рампур Разо кутубхонаси директори, профессор Сайид Ҳасан Аббос биз борган пайтда хизмат сафаридан экан. Аммо унинг ўғли, кутубхона илмий ходими, шоир Сайид Нақи Аббос бизни ошқ чехра би-лан кутиб олди. Форс тилида бурро сўзла-диган бу инсон билан тезда тил топишдик. Олдиндан бизнинг келишимиз ҳақида ха-бар берилган экан. Шу боис бизга жуда кўп қўлэмаларни кўрсатишди. Булар орасида "Бобурнома"нинг туркий тилдаги Ҳайда-робод нусхаси ҳам бор экан. Гарчи бу нус-ха юртимиздаги илмий жамоатчиликка маълум бўлса-да, қўлэманинг асл нусха-сини кўриш кишига бир олам ҳаяжон ба-нишлар экан. Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳама-донийнинг "Жомеъ ат-таворих" китоби ҳам биз учун катта бойлик бўлиб деб ҳисоб-лайман. Ахир, улуг аждодлар, уларнинг ҳаёт йўллари, қилган амаллари тўғрисида ҳикоя қилувчи манба кимнинг эътиборини торт-майди дейсиз. Сайид Нақи Аббос Ўзбек ада-биётини нақадар юксак эканлиги ҳақида сўзлаганида кўзларимга ёни келди. Ахир, у Ҳазрат Навоий, Мавлоно Лутфий, Ҳазра-ти Атоий, Бобур Мирзо, Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мухаммад Ризо Оғахий ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаётган эди-да. У ана шундай муҳташам ва муҳташам адаби-ётни теран ўрганаётгани, ўзи ҳам уларга чин илосу ҳавас билан шеърлар, ғазаллар

битаётгани ҳақида ҳам тўққинлиб сўзлади. Буларнинг барчаси ҳинд маданиятига, санъатига, адабиётига бизнинг аждодлари-мизнинг нечокилик улуг таъсири борлиги-ни кўрсатади. Бу эса чин маънода кўнгли-мизга фахр ҳам шукроналик туйғуларини армуғон айлади. Сайид Нақи Аббос ҳай-лашиш олдиндан уни оламнинг жаннатли бўлиши — Ўзбекистонга, Бобур Мирзонинг қилдик қони томган юртга тақлиф этдик. У бундан жуда мамун бўлди. Нақи Аббос-нинг нигоҳлари бизга ҳавас билан терму-лар эди. Худдики, у Мирзо Бобурнинг на-бираларини кузатиб қўяётган кишидек биз-га парвона эди. Ўз навбатида у ҳам ижодий ва илмий алоқаларни маълум бир тизимга солиш, чин маънода борди-келдиларини йўлга қўйиш ҳақида такор-такор сўзла-ди. Бутун мамлакатимизда бу каби хайрли ишларга кенг йўл очилган. Биз ҳам Рампур Разо кутубхонасига ўхшаш масканлар би-

мероси, айниқса, миллий адабиётимиз ха-зинасидан муносиб жой олган "Бобурно-ма" асари жаҳоннинг қўллаб тилларига таржима қилинган. Шу билан бирга, шоир, тарихчи олим, табиатшўнос, мо-ҳир саркарда, улкан арбоб сифатида маъ-рифий дунё томонидан тан олинган бу буюк шахс ҳақида Европа, Осиё, Амери-ка ва бошқа қитъаларда ўнлаб-юзлаб ил-мий тадқиқотлар, бадий китоблар яра-тилган ва бутун ҳам яратилмоқда. Ана шу мавзулар атрофидаги сўхбатлар билан Патнага қандай келганимизни сезмай ҳам қолибмиз.

Мана Худобахш кутубхонаси. Кутубхо-на остонасидан ҳатлар эканман, вужудим-ни бемисл ҳаяжон камраганини туйдим. Ахир, бу манзилга бир пайтлар боболар меросини ўз соҳиблари — Ўзбек халқига етказаман, деб Ҳамид Сулаймондек ал-ломадан келган. Кўзга суртса аригулик бе-

такор кўргингиз келаверади. Наҳотки, ин-сон шу ишларга қодир бўлса, деб ўйлаб ҳам қолсан киши... Тожмаҳал хусусида кей-инги йилларда тарқалган ноҳуш миш-миш-лардан бохабар бўлсангиз керак. Эмишки, Тожмаҳал бузилар эмиш. Биз зиёраттоҳ му-тасаддилари билан гаплашдик. Улар бу гап-ларнинг бари сафсата эканлигини, бундай обидадан ҳинд халқи ҳеч қачон воз кеч-маслиги, уни асраб-авайлаши ҳақида та-пиришганда кўнглимиз ёришди. Анча ен-гил тортдик. Ёмон гап ёлгон бўлса ҳам юракка азоб берад экан. Тожмаҳал зиёра-тидан чиқиб Агра шаҳрида жойлашган Бо-бур боғига бордик. Маҳаллий аҳоли бу жойни Ором боғи деб аташар экан. Бобур боғи чиндан ҳам кўнглига бир сокинлик туҳфа этди. Чиндан ҳам кўнглимиз ором олди. Жамна бўйидаги бу боғ эртақларда таърифланган боғларни эслатади. Боғ-даги дарахтларни, гулу гиёҳларни яхши парвариш қилишаётганидан мамун бўлдик. Боғ оралаб борар эканмиз, энг би-нога кўзимиз тушди. Чиройли хоналар, ўзбекнинг асл уйлариғи эслатадиган пе-шайвон кўзимизга жуда иссиқ кўринди. Зокиржон ака, шу ерда чинданман Бобур Мирзо яшаганим, ҳайратини яширмай са-вол берди Абдураул ака. Зокиржон ака бо-ш кўмиратиб, ҳа ишорасини берди. Шу тоб-да унинг ҳаёли Бобур замоналирига кетган-га асло шубҳа йўқ эди. Ростини айтсам, мен ҳам гўё Бобур даврида яшаётгандек эдим. Бобурнинг солда ҳаёти, ҳашамат ўч эмаслиги у яшаган саройдан ҳам билиниб турарди. Ҳа бизнинг боболар ана шундай солда ҳаёт кечирганлар. Ана шу солда ҳаёт-лари билан бутун дунёни илму урфонла-ри, ақл-заковатлари, бемисл иқтидорлари билан забт айлаганлар.

Аградан яна Хиндистон пойтахти Деҳ-лига келдик. Фарҳол Арзев сафар сўнгги-да Жай Пракашининг шахсий музейига бо-ришни таклиф этди. Бордик. Қанчалар гўзал. У ерда бобурийлар сулоласи билан боғлиқ қўллаб тарихий ашёларнинг борлиги кўзи-мизни қувватди. Барчамизнинг диққати-мизни жалб этган ғалла ҳақида гапирма-сам бўлмайди. Бу гилами қўли гул тўқу-чи ўн тўрт йил давомида ишлаган экан. Гилам марказида Тожмаҳал. Жуда чиройли тўқилган. Унинг атрофида бобурий шаҳзо-далар ва маликаларнинг суварлари акс эт-ган. Бежирим ишланган гиламлардаги ду-рларнинг жимир-жимирига боқиб, гилам ижодкорининг меҳнатига тасаннолар ай-тсан киши. Буларнинг барчаси такорр бўлса ҳам эътироф этиш зарур, бобурий-лар сулоласи ҳинд халқи маданияти, ада-биёти, санъати ривожига катта ҳисса қўшган. Ана шуларнинг ўзи бу икки халқ-ни бир-бирига боғлаб турадиган ришта-лар деб айтсам бўлади. Таассуротлар бир олам. Албатта, бу ҳақида яна ҳам батафсил ёзиш фурсети келмади. Сизга бир нарсани айтсам, ҳинд дёирида фақат Тожмаҳал қолмаган. У ерда жуда кўп Тожмаҳаллар бор. Улар аждодларимизга тегишли адабий-бадий, ил-мий, тарихий мерослардир. Ишонаман, улар вақти-соати билан юртимизга олиб ке-линади. Ва китобхоналарга туҳфа этилади.

Шу тобора ўзбек адабиётининг улкан на-моёндаларидан бири Муҳаммад Кўлмиди "Саъадатнома"си ёлимга келмоқда. Ул зот Фарғона водийси қишлоқларини айланиб адабиётимиз учун улкан хазина қолдир-дилар. Биз ҳам Худодан сўраймиз, шу са-фар таассуротлари ҳали яхши асарларга ай-ланади. Айни мана шу мақола сўнгида Хиндистон сафари давомида ёзилган бир шеъримни сизларга ҳам илтимомқилман.

Оҳ,
Қандай шириндир
Бу бўй, бу ифтор,
Она, она тупроқ, онажон тупроқ,
Одамлар дейишга қандай ҳаққим бор,
Сенда туриб,
Сендан яшабман йирок.

Мана Ҳумоюннинг мармар саройи,
Келиб кетаварам минглаб сайёҳлар.
Уларнинг дилмига йўқдир парвойи,
Недандир кўнглимда муқаддас оҳлар.

Мана икки ошқ,
Гўё тузиди поғоҳ,
Гўё туюб борар энг тоза бахтини.
Асл ҳақиқатдан бўлмадан оғоҳ,
Суратга муҳраблар борлар вақтини.

Масрур бораётган
Бу чол,
Бу кампир,
Дунёнинг ярмин кезган эҳтимол.
Саройда кимлар бор,
Кимлар бор, ахир.
Биламан,
Бехабар,
Бу кампир,
Бу чол.

Эй, гўё ҳаётини қўмганлар болга,
Наҳот кўрмаялсиз, мен ёшим, куйдим.
Йўқ, чидаб бўлмайди, бундай аҳволга,
Шулоқ ёнингизда Мирзо Ҳумоюн.

Ошиб неча довои,
Қўп асарлардан,
Ўйламанг, Ҳинд сори шунчаки елдим.
Бу тош саройлардан,
Тош қасрлардан,
Сизин,
Сизин олиб кетгани келдим.

Туриг ўриниғиздан Мирзо Ҳумоюн,
Ватанга кетамиз, юрта кетамиз...

Ғайрат МАЖИД

Таниқли белорус ёзувчиси Алесь Карлюкевичнинг "Максиманинг Ва-танида ва бошқа мамлакатлардаги саргузаштлари" кассаси Максим Минский исми биланинг бошидан кечирганларига бағишланади. Максим, ота-онаси эркалаб қақиргандек, Мак-симка Минск шаҳридаги мактаблардан бирида, бешинчи синфда ўқийдиган қизиқувчан бола. У отаси билан биргаликда почта маркалари йиға-ди (уларни филателистлар деб аташади). Шу-нинг учун ҳам почтаалон уларнинг уйига кўп хат-лар олиб келади. Буеунги, одамлар Интернет ор-қали хат ёзишадиган бўлиб кетган бир замонада қоғозга ёзилиб, конвертга солиб, почта орқали жўнатиладиган оддий хатларни олиш, албатта, галати кўринади. Лекин бунинг яхши томони ҳам бор. Биринчидан, конвертнинг устида почта мар-каси бўлади, кейин бу марка ҳақиқий, босмахонада босилган бўлади. Интернетда эса марканинг суратини ёзнатиш мумкин, холос.

Асар бир-бирига мазмунан боғлиқ кетган турли-туман ҳикоялардан иборат. Максиманинг саргузаштларини рамзий саргузашт дейиш мумкин. Чунки у уйдан чиқиб, денгиз-у тоғлар ошиб йўл юрмайди, унинг саёҳатлари дўстлари, ўзига ўхша-ган қизиқувчан болалар билан ёзишган мактублари, отаси билан тўйлаган маркала-ри билан боғлиқ воқеалар ичида кечади.



Адабий алоқалар

Алесь КАРЛЮКЕВИЧ

ПОЧТА МАРКАСИНИНГ САЁҲАТИ

(Қиссадан парча)

Эфиопия шаҳзодаси Мэконнин Менеликович Зерихун белорус филателистлари билан дўстлашишга розилик берди.

Максимка ҳар куни мактабдан қай-таётиб, ойисининг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, неча дақиқа ичида уйга етиб олишини хабар қиларди. Алесь Михайловна, албатта, ўғлидан қайфи-ятинг яхшими, мактабда нималарни ўргандинг, деб сўрарди. Яна тушликка қандай овқат пишириб қўйганини эс-латарди. Бу эса, жуда муҳим. Чунки Максимка ошхонага мўралашни унут-иш мумкин. Ахир, одатда дам олмай, отасига келган хатларни қўришга ярим соат, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт кет-казарди. Отаси ашаддий филателист эди, унга дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларидан хатлар келарди. Буларасидан ҳам кубалик профессор Эрне-сто Родригес кўп мактуб йўлларди. Отасига хат ёзганларнинг орасида Максиманинг тенгдоши, Эфиопия президенти Ме-нелик Зерихуннинг ўғли пайдо бўлганига бир йил-дан ошиб қолди. Ҳамма гап шундаки, Эфиопия

ҳарфлар олтин сувида ёзилган. Варақ-нинг тепасида ярқироқ шиша тошлар ёпиштириб ишланган Эфиопиянинг камтарона герби — мовий шар устида зар нури ялтираган юлдуз тасвири. Хат инглиз тилида, бу тили филателист-лар оиласи аъзолари ўз она тиллари-дек яхши билишарди. Максимка ўша, ўзини ҳайрон қолдирган хатнинг ҳар бир сўзини эслайди:

"Хурматли Белорус филателист жа-ноблари!

Бизни — Эфиопия тахти вориси Мэ-коннин Менеликович Зе-рихунни Сизнинг ҳайвонот олумига бағишланган маркаларни ўзаро алма-шиш ҳақидаги таклифи-гиз ғоят қизиқтиради. Биз, тахт ворисини Сизнинг мамлакатингизда яшайди-ган кўпгина жониворлар ва қўшлар қизиқтиради. Беларусда қандай мини-аторларни топсангиз, Бизга жўнатишингизга изн берамиз. Биз Сизни Аф-риканинг ноёб фаунаси,



ҳукмдори ҳам, унинг ўғли ҳам почта маркалари йиғишни яхши кўришарди. Максиманинг отаси жаноб президент билан меъморчиликка бағишланган миниаторлар, спорт ва фазовий мав-зулардаги маркаларни айирбошлашар-ди. Максимка ҳайвонот дунёси тасви-рланган маркалар йиғишни хоҳлайман деганда, отаси ўзига ўхшаган филате-листлардан болаларингиз турли жони-ворлар ва қўшлар суратини тўплайди-ми, деб сўраб чиқди. Ҳар ҳолда бола-лар тез тил топишади-да. Лекин ёш филателистлар кўп эмас экан. Маса-лан, гаваналик профессор Эрнесто Родригес ҳали уйланмаган. Польшалик фермер Константин Алехник асли бе-лорус бўлиб, Белостокда яшайди. Унинг Вацлав ва Ярослав деган нева-ралари бор. Лекин улар ҳали жуда ки-чина. Пан Алехник невараларим бир кун келиб спорт мавзусида марка тўплашади, дея оруз қилиб юрибди. Айниқса, футбол ва хоккей миниатю-раларини. Балки улар Уругвай почта-си ўз футболчиларининг 1924 йилда Париж Олимпиада уйинларидаги гала-баси шарафига чиқарган сап-сарик маркарлар сериясини топишар?! Ўша маркалар атғи 500 дона босилган. Энди, орадан деярли юз йил ўтгандан кейин, ўша маркалар Олимпиада медал-ларидек нодир бўлиб кетди. Отаси Максимкани бошқа филателистларнинг болалари билан ҳам таништиришга уриниб кўрди. Аммо нимагадир бундан ҳеч нис чиқмади. Бироздан кейин Эфи-опия тахт вориси, мамлакат президен-ти ва кирилининг (баъзи мамлакатлар-да давлатнинг бош лавозими ва тахт бир кишига топирилади) ўғли, шаҳ-зода Мэконнин Менеликович Зерихун-дан жавоб келди. Унинг хати солинган конвертнинг катталиги камёб конфет-лар солинган қутидек келарди. Уни хат-дан кўра юпка картонга ўралган бан-дероль деса тўғрироқ бўларди. Мак-симанинг отаси дарҳол бандеролни очди. Қарашса, унинг ичида бор-йўғи бир варақ қоғоз бор экан. Роса ҳайрон қилишди. Лекин қоғоз сўтдек олоқ,

Эфиопия ва унга қўшни мамлакатлар-нинг бой ҳайвонот дунёси, бойликлари билан таништирамиз. Бу бойликлар Ернинг бошқа қитъаларида учрамайди. Яна шунинг эслатиб ўтаимизки, Прези-дент ва унинг оиласига тааллуқли одоб қоидалари, шунингдек, Шахзоданинг ўзини тутуши тўғрисидаги қонунга кўра, Биз норасмий кишилар билан дўстлик алоқаларини боғлашимиз мумкин эмас. Лекин тўртинчи ўн йилликдан бери ўридошлик асосида Қироллик тахти-ни эгаллаб келаётган Президентимиз-нинг улкан ҳурматиға сазовор бўлгани-гиз учун Сиз бу қоидадан истисно қилиндингиз. Шунинг учун Биз Сиз би-лан хат ёзишқанда қарор қилдик.

Сизнинг Беларусдан жўнатидаган хатларингиз ва маркаларингизни кутиб қоламиз..."

Хатнинг остида шахзоданинг турли жамоат ва давлат лавозимлари санаб ўтилган эди. Максимка шулардан бит-тасини эслаб қолди: Эфиопиянинг Бош Табиъатшўнослик филателисти. Эслаб қолмишга сабаб ҳайрон қолгани эди: "Бу шахзода ҳали бола-ку, Бош фила-телист! Буни қара-я!" Ота-бола ўзла-рига ўхшаган маркаларга қизиққан дўст топшмоқчи эди, жавобан эса, мана бунақангиз хафа қиладиган гаплар! Аммо отаси бу масалага бошқача ёндашди:

— Ўғлим, ҳар ким ўзи яшайдиган жой-нинг қоидаларига мослашади. Афри-канинг бу давлатида одат шунақа, ше-килли. Оддий одамлар билан бошлик-ларнинг муносабатларига бошқача эътибор берилса керак. Ахир биз ҳам дипломатик қоидаларни буза олмай-миз-ку... Агар тахт ворисига хатларни мен ёзсам, бунинг кўрқинчли жойи бўлмас, а? Маркаларни биргалашиб томоша қилишимизга, ўрганишимизга ҳеч ким ҳалал бермайди-ку, нима де-динг?

Хуллас, шундай йўл тутадиган бўлишди...

Рус тилидан Рисолат ХАЙДАРОВА таржимаси.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳа.иқор.лари.ми.з:
ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
Сайтимизга ўттиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

Танқид ва адабиётшўнослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁР

Маъсул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.25

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Дади — 5894. Буюртма Г — 982. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсатилди — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВА НАРХИ
ЭРКИН.
ISSN 2181-614X
772181614000